

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи қитисодий фаолият
Миллий банкининг 2012 йил учун
йиллик ҳисоботи**

Йиллик ҳисобот тузилиши:

1. БОШҚАРУВ РАИСИНинг КИРИШ СўЗИ.....
2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИ
РИВОЖЛАНИШИНинг АСОСИЙ ЯКУНЛАРИ.....
3. 2012 ЙИЛДАГИ БАНК ФАОЛИЯТИНИНг АСОСИЙ ЯКУНЛАРИ.....
4. БАНК ХАЛҚАРО САҲНАДА.....
5. КОРПОРАТИВ БАНК
Филиаллар тармоғи.....
Кредит фаолияти.....
Ипотека ва истеъмол кредитлари бериш.....
Лойиҳаларни молиялаш.....
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш.....
6. ЧАКАНА БАНК
Омонат операциялари.....
Пластик карточкалар.....
7. ИНВЕСТИЦИЯ БАНКИ.....
8. БАНК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ РИВОЖЛАНИШI.....
9. БАНК ХОДИМЛАРИ.....
10. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАСВИРИЙ САНЪАТ ГАЛЕРЕЯСИ.....
11. 2013 ЙИЛ УЧУН ВАЗИФАЛАР.....
12. АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ.....

Бошқарув Раисининг кириш сўзи

Қадрли мижозлар ва ҳамкорлар.

Бугун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Ўзбекистон бозоридаги етакчи молия муассасаси ҳисобланади ва айни пайтда халқаро саҳнада мамлакат банк тизими номидан иш олиб боради.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йиллари давомида Ўзмиллийбанк иқтисодиёт таркибан чуқур қайта қурилишини таъминловчи лойиҳаларни молиялади. Булар, нефть ҳамда металларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, тўқимачилик саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сайёхлик, ҳаво ва темир йўл транспорти, алокса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш лойиҳалари ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётининг янги қиёфасини шакллантирувчи бошқа кўплаб лойиҳалардир.

Банк ҳар йили таниқли халқаро нашрларнинг нуфузли рейтингларида қатнашиб, жаҳон банк тизимида илғор мавқеларни эгаллаб келмоқда. Миллий банк 1993 йилдан бўён жаҳоннинг 1000та энг йирик банклари рейтингига кириб келмоқда. “The Banker” нашри ҳар йили эълон қиласидаги бу рейтингда Миллий банк ҳозирги кунда Марказий Осиё, Россия, Марказий ва Шарқий Европанинг энг катта банклари билан бир қаторда 862-ўринни эгаллаб турибди. Бундан ташқари, 2012 йил якунларига кўра, Миллий банк “РИА-Рейтинг” Рейтинг агентлигининг версияси бўйича ўз активлари миқдорига кўра МДҲдаги 100та энг йирик банк рейтингида 50-ўринни эгаллади.

Мамлакатнинг иқтисодий муҳим ҳисобланувчи барча минтақаларида жойлашган Миллий банк бўлим ва филиаллари 2,5 миллиондан ортиқ корпоратив ва хусусий мижозларга кенг доирадаги хизматлар кўрсатилишини таъминлаяпти.

Миллий банк мамлакатнинг иқтисодий манфаатларини тезкор аниқлашга ва бу манфаатларни имкони бор барча воситалар билан қўллаб-қувватлашга интилиши хорижий банклар ва халқаро молия муассасалари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик тўхтовсиз ривожланишининг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Шу тариқа Ўзмиллийбанк Ўзбекистон Республикаси халқаро молия ҳамжамиятига кириб боришида фаол кўмаклашмоқда.

Банк профессионал молия муассасаси ва ўз мижозларининг ишончли ҳамкори сифатида мустаҳкам обрў қозонгандиги, шак-шубҳасиз, жаҳоннинг энг йирик банклари билан вакиллик муносабатлари тармоғи кенгайишида ёрдам берди. Чунончи, таққослаш учун айтишимиз мумкинки, 1992 йилда жаҳоннинг 83та энг катта банки билан вакиллик муносабатлари ўрнатилган эди. Ҳозир эса Миллий банкнинг вакиллик тармоғи жаҳоннинг 80 мамлакатига мансуб қарийб 662та халқаро молия муассасасини қамраб олган. Ўзмиллийбанк ҳамкорларининг географияси гоят кенг бўлиб, у МДҲ мамлакатлари, Фарбий ва Шарқий Европа, Америка, Осиё, Яқин Шарқ, Африка ва Австралияни ўз ичига олади.

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминловчи, янги қийматлар, янги иш ўринлари ва янги ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол талабини вужудга келтирувчи инвестиция лойиҳалари амалга оширилишига таянади. Инвестиция лойиҳаси молияланади олиши, яъни лойиҳа мақбул (ракобатли) шартларда зарур молиявий ресурсларни жалб этишга ҳамда улар лойиҳа хатарларига адекват бўлган фойда нормаси билан қайтарилишини таъминлашга қодирлиги уни амалга оширишнинг энг муҳим омили (кўпинча эса умуман мумкин ёки мумкин эмаслиги омили) ҳисобланади.

Инвестициялар лойиҳаларни молиялаш воситасида ташкил этилиши, биринчи навбатда анъанавий кредитлашга нисбатан кўпроқ имкониятлар беради. Чунки бунда қўлланиладиган схемалар мослашувчанроқ ва хилма-хилдир.

Ҳозирги кунда Миллий банк кредитлари республика иқтисодиётининг амалда барча тармоқларида қўлланилмоқда. Лойиҳаларни молиялаш натижасида тармоқларда ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ўсишига эришилди.

Бундан ташқари, Миллий банк хорижий банклар билан бир қанча қарз битимлари тузган. Агросаноат комплекси, телекоммуникациялар ва компьютер технологиялари, соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган бу лойиҳалар келгуси йилларда молияланади.

Миллий банк етакчи халқаро молия муассасалари ва хорижий тижорат банкларининг кредит йўналишларини жалб этар экан, айниқса замонавий технологиялар ва ноу-хауларни молиялаш борасида кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларининг асосий кредитори бўлиб қолган.

1996 йилга қадар саноатнинг экспортга ишловчи соҳаларидангина иборат бўлган Ўзмиллийбанк мижозлар базаси ҳозирги кунда Банкнинг кредит портфелида устувор мақом олган кичик ва хусусий корхоналар ҳисобига кенгая бошлади.

Ўтган даврда Миллий банк ЕТТБ, ОТБ, КФВ, ХМК, ОПЕК Фонди, ИТБ, Корея Эксимбанки ва ХДТБ каби жаҳон миқёсида ишловчи молия ташкилотларининг бир қанча кредит йўналишларини жалб этди. Шу тадбирлар натижасида молияланган лойиҳалар республикага импорт қилинадиган товарлар ҳажмини камайтириш ҳамда экспортни кўпайтиришга, кичик бизнеснинг ЯИМдаги улушини оширишга хизмат қилиб, мамлакат ташки савдо балансида ижобий сальдога эришишда кўмаклашди.

Бугунги кунда Банк минтақавий бўлимлар ва филиалларда аҳолига банк хизматларини тақдим этиш ҳисобига ўз бизнесининг чакана йўналишини фаол ривожлантиришда давом этаяпти. Филиаллар тармоғи ҳам доимий равишда кенгайиб бормоқда.

Миллий банк бир томондан, бутун дунёдаги молия ташкилотлари билан банклараро муносабатлар зарур даражада бўлишини таъминлаш, иккинчи томондан эса республика ичida ўз мижозларига юқори сифатли хизматлар кўрсатиш ва уларга барча зарур хизматлар тақдим этилишини таъминлаш мақсадида, жаҳонда қабул қилинган стандартларга мувофиқ ахборот тизимларини ривожлантироқда. Амалий дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва модернизациялаш ҳамда ишлаб турган автоматлаштирилган банк тизимларини модернизациялаш ишлари доимий равишда олиб борилаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий фаолият миллий банки Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш ҳамда мамлакатнинг халқаро иқтисодий саҳнадаги муносиб мавқеи мустаҳкамланишини таъминлашда асосий роль ўйнамоқда. Халқаро молия бозорида ҳозирги кунда юзага келган холатга мувофиқ давлатнинг макроиқтисодий устувор мақсадларини амалга оширишга қаратилган Ўзмиллийбанк стратегияси энг мақбул тарзда шакллантирилган. Банкнинг тижорат натижалари барқарор ўсиб бораётганлигига ҳеч қандай шак-шубха йўқ. Бу эса, бундан буён ҳам ривожланишини ҳамда минтақада эгаллаб турилган пешқадамлик мақелари янада мустаҳкамланишини кафолатлади.

Бошқарув номидан ва шахсан ўз номидан Банк мижозлари ҳамда ҳамкорларини уларнинг ишончи ва узоқ йиллар мобайнида биз билан биргаликда амалга ошириб келаётган самарали ишлари учун миннатдорчилик билдиримокчиман. Биз сизлар билан ҳамкорликни ғоят қадрлаймиз!

Хурмат билан,
Бошқарув Раиси
С.Рахимов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖЛАНИШИНинг АСОСИЙ ЯКУНЛАРИ

Ўтган йилга якун ясар эканмиз, жаҳон иқтисодиётида жиддий муаммолар сақланиб қолаётганига қарамай, Ўзбекистон 2012 йилда мамлакат иқтисодиётини барқарор саръатлар билан ривожлантиришни давом эттириди, аҳолининг турмуш даражаси тўхтовсиз ўсиб боришини таъминлади, жаҳон бозоридаги мавқени мустаҳкамлади.

Мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 8,2%, саноат ишлаб чиқариши ҳажми 7,7%, қишлоқ хўжалиги 7%, чакана товар айланмаси ҳажми 13,9% ўси.

Макроиктисодий барқарорлик ва иқтисодиёт мувозанати таъминланди.

Экспорт ҳажми сезиларли даражада – 11,6% ошди, экспорт қилинаётган маҳсулотлар тузилиши ва сифати яхшиланмоқда. Бунинг натижасида хом ашё ҳисобланмайдиган тайёр маҳсулотлар улуши 70%дан кўпроқни ташкил этди. Ташки савдо айланмасидаги ижобий сальдо 1 миллиард 120 миллион доллардан ортиқ бўлди.

Пул қадрсизланиши суръатлари режалаштирилган даражада сақланиб турди ва 7%дан ошмади.

Шуниси дикқатга сазаворки, солиқ юки камайтирилиши билан бир вақтда давлат бюджети даромадлари ўсиши таъминланди.

2012 йилда кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкалари 6%дан 5%га туширилди, якка тартибдаги тадбиркорлар учун катъий белгиланган солиқ ставкаси ўртacha икки баравар пасайтирилди.

Давлат бюджетининг даромад қисми барча кўрсаткичлар ва тушум манбалари бўйича бажарилди, эришилган профицит ЯИМга нисбатан 0,4%ни ташкил этди.

Давлат бюджетининг ижтимоий йўналиши сақланиб қолаётганлиги унинг ўзига хос хусусияти бўлди. Давлат томонидан амалга оширилаётган барча харажатларнинг тахминан 59,2% ижтимоий соҳани ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш чораларини молиялашга, жумладан унинг 34% таълим соҳасига ва 14,5% соғлиқни саклаш соҳасига йўналтирилди.

Асосий сармояга йўналтирилиб, ҳажми ортиб бораётган инвестициялар мамлакат иқтисодиёти доимий юқори суръатлар билан ўсишининг энг муҳим манбаи бўлди. Бу кўрсаткич 2012 йилда ЯИМга нисбатан 22,9%ни ташкил этди.

Мамлакатимизнинг ўзида ва хориждан эквивалентда 11,7 миллиард доллар ҳажмидаги инвестициялар жалб этилди. Бу эса, аввалги йилдагига нисбатан 14% ортиқ. Бунда барча инвестицияларнинг 22%дан кўпроғи ёки 2,5 миллиард доллардан ортиқ қисмини хорижий инвестициялар ташкил қилган бўлиб, шунинг 79%дан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Ўтган йили барча инвестицияларнинг қарийб 74% корхоналар қурилишига, аввало ишлаб чиқаришни модернизациялаш ҳамда янгилаш билан боғлиқ дастурлар ва лойихаларни амалга оширишга йўналтирилди.

Фақат ўтган йилнинг ўзида ўзлаштирилган капитал кўйилмаларининг умумий қиймати 1,6 миллиард доллардан ошадиган 205та йирик инвестиция обьекти қуриб битказилди.

2012 йилда якунига етказилган энг катта обьектлар орасида Япониянинг “Мицубиси” компанияси ишлаб чиқарган, қуввати 478 мВт бўлган Навоий ИЭСдаги буғаз қурилмаси ишга туширилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Тўла-тўқис мамлакатнинг ўз маблағлари ҳисобидан молияланган ушбу лойиҳа амалга оширилганлиги йилига қўшимча равишда 2,8 миллиард кВт соат электр-энергияси ишлаб чиқарилишини таъминлаш ва айни пайтда шартли ёқилғи қиёсий сарфини 1,8 баравар камайтириш, йилига 400 миллион куб метр микдоридаги газ ёки 110 миллион доллардан ортиқ маблағ тежалишини таъминлаш имконини беради.

Автомобилсозлик саноатида Германиянинг жаҳонга машхур “МАН” компанияси билан биргаликда Самарқанд вилоятида йилига 3 мингта машина ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган юқ автомобиллари ишлаб чиқариш янги комплексини вужудга

келтириш лойиҳасининг иккинчи босқичи ниҳоясига етказилди. Юксак технологияларга асосланган, энг юқори жаҳон стандартлари бўйича жиҳозланган корхона вужудга келтирилди. Бу корхона оғир юқ ташийдиган энг замонавий автомобиллар ишлаб чиқариб, мамлакатимизнинг эҳтиёжини қондирибгина қолмасдан, айни пайтда улар экспорт қилинишини ҳам таъминламоқда.

Муборак Газни қайта ишлаш заводида йилига 258 минг тонна суюлтирилган газ ва 125 минг тонна конденсат ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган заводнинг биринчи навбати ишга туширилди, шунингдек “Шўртоннефтгаз” корхонасида йилига 50 минг тонна суюлтирилган газ чиқара оладиган пропан-бутан аралашмаси тайёрлаш қурилмаси фойдаланишга топширилди.

Деҳқонобод калийли ўғитлар заводининг 250 миллион доллар қийматидаги 2-навбати қурилиши давом этмоқда. У корхона қувватини йилига 600 минг тонна калийли ўғит ишлаб чиқариш даражасига етказиш имконини беради. Шунинг 350 минг тоннадан кўпроғи экспорт қилинади.

2012 йилда Сурғил кони негизида ҳатто жаҳон андозалари бўйича ҳам ноёб ҳисобланувчи Устюрт Газ-кимё комбинати қурила бошланди. Унинг умумий қиймати 25 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этади. Объект қурилиши 2016 йилда ниҳоясига етказилади ва 4,5 миллиард куб метр табиий газ қайта ишланишини, айни пайтда 400 минг тонна полиэтилен ва 100 минг тонна полипропилен ишлаб чиқарилишини таъминлайди.

2012 йилда истиқболда улкан аҳамият касб этувчи, қиймати 4 миллиард АҚШ долларидан кўпроқни ташкил этадиган катта миқёсли лойиҳа амалга оширила бошланди. Бу лойиҳага кўра Жанубий Африканинг “Сасол” компанияси ва Малайзиянинг “Петронас” корпорацияси билан биргаликда тозаланган метан асосида сунъий суюқ ёнилғи ишлаб чиқарилади. Сунъий суюқ ёнилғи – “премиум-класс” тоифасидаги суюлтирилган газ, авиакеросин ва дизель ёнилғиси ишлаб чиқарувчи бундай корхоналар дунёда бармоқ билан санаарлидир.

Ўтган даврда 500 километрга яқин замонавий тўрт йўлкали автомобиль йўлларини барпо этиш ва реконструкциялаш ишлари якунланди. Бу йўлларнинг 163 километри цемент-бетон билан ва 335 километри асфальт-бетон билан қопланди.

Узунлиги 116 километр бўлган Гулистон-Оҳангарон автомобиль йўли, Кўкон шахрини айланиб ўтувчи автомобиль йўли фойдаланишга топширилди, Самарқанд, Тошкент, Қарши ва Олот шаҳарларини боғловчи йўл участкалари реконструкцияланди.

Темир йўл транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ишлари жадал олиб борилди, режалаштирилган темир йўл участкаларини электрлаштириш лойиҳалари изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу ишлар поездлардан фойдаланиш харажатларини 20%гача кисқартириш, йўловчи ва юқ ташийдиган поездлар тезилигини 1,3 баравар ошириш имконини беради, 830 километр масофага чўзилган Тошкент-Термиз темир йўлини тўлиқ электрлаштириш учун имконият яратади.

Телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва модернизациялаш бўйича кўзда тутилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида узунлиги 180 километрдан кўпроқни ташкил этувчи Бойсун-Денов, Ургут-Шахрисабз толали оптик алоқа линиялари ишга туширилиши таъминланди.

Фарғона, Навоий, Сирдарье ва Сурхондарё вилоятларида телеузатгичлар ўрнатиш йўли билан рақамли телевидениега босқичма-босқич ўтилди. Бундай қилиниши натижасида рақамли телевидениедан фойдаланиш имконига эга бўлган аҳоли 42%га етди.

Янги ташкил этилган “Навоий” ва “Ангрен” эркин индустрисий иқтисодий зоналари бугунги кунда мамлакат ишлаб чиқариш салоҳияти модернизацияланишини таъминловчи лойиҳалар амалга оширилишида алоҳида ўрин тутмоқда.

Ўтган 2012 йилда мамлакат аграр секторининг амалда барча тармоқларида жиддий илгари силжишлар кузатилди.

Деярли ҳамма асосий қишлоқ хўжалиги экинлари – дон, пахта, сабзавот, полиз экинлари ва узумдан юкори ҳосил олинди. Мамлакатимиз дехқонлари 3 миллион 460 минг тоннадан ортиқ пахта хом ашёси, 7 миллион 500 минг тонна ғалла, 2 миллион тоннадан

зиёд картошка ва 9 миллион тоннадан ортиқ сабзавот-полиз маҳсулотларини йиғиб олдилар.

Хорижий мамлакатларнинг тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда қишлоқ хўжалигини иқтисодий ислоҳ этиш бўйича қатъий чоралар кўрилгани, бозор муносабатлари жорий этилгани ва қишлоқ жойларда хусусий мулк шакли ривожлантирилгани, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун хуқуқий, ташкилий ва молиявий шарт-шароит яратилгани бундай юқори натижаларга эришиш имконини берган асосий омиллардир, десак муболаға бўлмайди.

Ҳозирги кунда фермер хўжалиги ҳақли равишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг етакчи бўғини ва асосий ташкилий шакли ҳисобланади. Фермерлик ҳаракати 66 мингдан зиёд фермер хўжаликларини бирлаштирган бўлиб, шудгорланадиган барча ерларнинг 85%дан ортиғи уларнинг улушига тўғри келади. Бу ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг асосий қисми етиштирилади.

Кейинги йилларда қабул қилинган қонунлар ва норматив хужжатлар фермер хўжаликларининг ваколатларини анча кенгайтирди.

Шу билан бирга эътироф этиш керакки, Фермер хўжаликлири уюшмаси шаклида мавжуд бўлган фермерлик ҳаракатининг ташкилий тузилиши қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш жараёнларига, фермерлар олдидаги турган вазифалар ҳал этилишига кўрсатган таъсир жуда кам эди.

Фермерлик тарихий илдизларга эга бўлган мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш асосида Уюшма Ўзбекистон Фермерлар кенгашига айлантирилди, вилоятлар ва туманлардаги фермерлар кенгашлари эса ушбу тузилмаларнинг хуқуқ ва ваколатларини жиддий равишда кенгайтирдилар ва бу ғоят муҳим аҳамиятга эга эди.

Ҳозирда фермер хўжаликларини ташкил этиш ва қайта ташкил қилиш, уларга ер участкаларини узоқ муддатли ижарага бериш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фермер хўжаликларини ривожлантириши ва уларнинг иши билан боғлиқ норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини қабул қилиши билан боғлиқ амалда биронта ҳам масала фермерлар кенгашларининг бевосита иштирокисиз ҳал этилиши мумкин эмас.

Кенгашлар жойлардаги давлат ва хўжалик бошқаруви, давлат ҳокимияти органлари билан ҳам, тайёрловчи, таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ҳам муносабатларда, шунингдек ишлар судларда кўриб чиқилаётганда фермерларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қиласидар.

2012 йилда хизмат кўрсатиши соҳаси жадал суръатлар билан ривожланди. Аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажми деярли 15% ўси, унинг мамлакат ЯИМдаги улуши эса, бугунги кунда 52%дан кўпроқни ташкил этмоқда.

Айни пайтда юқори технологияларга асосланган ва бозор билан боғлиқ хизмат турлари айниқса катта суръатлар билан ўсяяпти. Булар, хусусан, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари – 24,5%, компьютерларни дастурлаш – 18%, технологик ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиши – 17%, молия-банк хизматлари – 17,6%.

Барқарор макроиктисодий ривожланиш шароитида мамлакат иқтисодиётида банк тизими тобора муҳимроқ аҳамият касб этмоқда. Ўтган йили мамлакат банк-молия тизимининг ликвидлигини янада мустаҳкамлаш ва барқарорлигини ошириш борасида катта ишлар бажарилди.

2012 йилда банк тизимининг жами сармояси 24,3%, кейинги уч йил мобайнода эса 2 баравар кўпайди.

Ҳозирги вақтда сармоя етарлилиги даражаси 24%ни ташкил этмоқда. Бу эса, умумий қабул қилинган ҳалқаро стандартлардан 3 баравар кўп. Банк тизимининг ликвидлиги 2012 йил якунларига кўра 65%дан кўпроқни ташкил этди. Бу кўрсаткич талаб қилинадиган энг кам даражадан 2 баравар ортиқдир.

Агар 2010 йилда республиканинг атиги 13та тижорат банки ижобий ҳалқаро рейтингларни олган бўлса, ҳозирги кунда улар сони 28тага етди.

Аввалги йилларда бўлгани каби, Банк фаолиятида унинг инвестициялар билан боғлиқ йўналишига катта эътибор қаратилди.

2012 йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар ҳажми аввалги йилдагига нисбатан 1,3 баравар кўпайди. Берилган кредитларнинг 76%дан ортиғи – муддати уч йилдан кўп бўлган узоқ муддатли кредитлар.

2012 ЙИЛДАГИ БАНК ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЯКУНЛАРИ

Хозирги кунда Ўзбекистон Республикасида молия тизимини қарор топтириш ва мамлакат банкларини институционал ривожлантириш масаласига жуда жиддий эътибор берилаяпти.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон банк тизими катта йўлни босиб ўтиб, молиявий тизим қарор топишидаги муаммоларни муваффакиятли ҳал этди, иқтисодиётга инвестицияларни жалб этди ҳамда ҳукуматнинг ижтимоий дастурларини қўллаб-куватлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юкори ҳалқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 сонли қарори қабул қилинганлиги банк соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар давом этишига хизмат қилган мухим хужжатлардан бири бўлди. Бу хужжатда республика банк-молия тизимини янада ислоҳ эҳтиш ва барқарорлигини оширишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Хусусан, қарорда тижорат банкларини янада капиталлаштириш, бу соҳага хусусий сармояни жалб этиш, ресурс базасини ошириш, активлар сифатини яхшилаш, банк ишини такомиллаштириш ҳисобига банкларнинг молиявий барқарорлиги ҳамда ликвидлигини Базель қўмитаси белгилаган ҳалқаро стандартлар талабларига мувофиқ ошириш зарурлиги таъкидланган.


2012 йил якунларига кўра Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг сармояси етарлилиги даражаси 24%ни ташкил этди. Бу эса Банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан белгиланган 8 фоизлик ҳалқаро нормага нисбатан 3 баравар кўпdir. Тижорат банкларининг жорий ликвидлик нормативи 2012 йил якунлари бўйича 65%дан ортиқ бўлди. Бу эса, Ўзбекистон Республикасида 30% ҳажмида белгиланган нормадан 2 баравардан зиёд кўпdir.

Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган ўзгартишлар чуқурлаштирилиши аҳолининг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш ҳамда уларни ишончли молиявий шерикларга айлантириш учун зарур шарт-шароит яратиш имконини берди.


Улар орасида Ўзбекистон Республикаси банк фаолиятининг барча соҳаларида етакчи мавқеларни эгаллаб келаётган Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки энг каттаси ҳисобланади.

2012 йилда банкнинг мижозлар базаси анча кенгайди, мижозлар умумий сони 2 755, 7 мингтагача кўпайди ёки аввалги йилнинг шу даврдагига (2 636,4 минг) нисбатан 4,5% ошди.

Миллий банкнинг жамлама баланси миллий валюта – сўм эквивалентида 2007 йилдан 2012 йил охиригacha бўлган даврда 6 325 млрд. сўм ёки 3 баравар кўпайди. 2012 йилда эса 1 521 млрд. сўм ёки 19,2%ни ташкил этди.



2007-2012 йиллар даврида Миллий банкнинг миллий валюта – сўм эквивалентидаги сармояси (субординацияланган облигацияларни ҳисобга олганда) 524 млрд. сўм ёки 2 баравар кўпайиб, 2012 йилдаги ўсиш 17%ни ташкил этди.



Миллий стандартлар бўйича 1-даражали сармоя ва умумий сармоя етарлилиги кўрсаткичлари энг кам зарур кўрсаткич (тегишлича 5% ва 10%)дан юқори бўлиб, 2007-2012 йиллар даврида қуйидаги рақамларни ташкил этди:

	2007	2008	2009	2010	2011	2012
1-даражали сармоя етарлилиги кўрсаткичи (%)	29,9	28,8	23,6	23,9	26,1	23,5
Умумий сармоя етарлилиги кўрсаткичи (%)	29,2	27,8	10,8	25,4	26,8	24,9

Юксак даражадаги капиталлашув шарофати билан Миллий банк ўзининг мижозлар базасини кенгайтириш учун катта резервга эга бўлиб турибди.

Активлар ва пассивларни бошқариш


Активлар ва пассивларни бошқариш соҳасидаги асосий вазифа ташки мухит ҳамда активлар ва пассивларнинг тузилишига қараб ҳосил бўладиган хатарларни бошқариш ва уларни назорат қилиш усуслари ёрдамида Банкнинг жорий ва стратегик мақсадлари бажарилишини таъминлашдан иборатdir.

Банк юритаётган активлар ва пассивларни бошқариш сиёсатининг бош мақсади барқарор молиявий натижага эришиш, капиталлашув даражасини ошириш, пул оқимларини қоплаш учун ликвидликнинг зарур даражасини сақлаб туриш, ҳар бир мижознинг юқори сифатли ва ишончли банк хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириш; омонатларни жамғариш ва иқтисодиётга инвестициялаш, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётини ривожлантиришда кўмаклашиш, хатарни йўл қўйиш мумкин бўлган даражадан оширгмаган ҳолда маблағлар жойлаштирилишидан олинадиган даромадларни кўпайтириш ва мақбуллаштириш, банк активлари ва пассивларининг муддатлар бўйича тузилиши мувозанатда бўлишига эришишдан иборат.

Банк ўз олдига қўйилган мақсадларга қуидагилар ҳисобидан эришади:

- сармоя етарлилиги ва ликвидликни назорат қилиш;
- сармоя базасини актив операциялар ўсишига адекват тарзда кўпайтириш;
- баланс янада ўсишини таъминлаш;
- эҳтимолий хатар даражасини чеклаган ҳолда энг катта даромад олиш мақсадида баланснинг энг мақбул тузилишини шакллантириш;
- мижозлар базасини кенгайтириш (бу кўрсаткич 2012 йил якунларига кўра қарийб 2,7 миллионта корпоратив ва чакана мижозларни ташкил этди);
- мижозларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;
- стандарт технологияларни ҳар бир мижозга индивидуал ёндашув билан уйғунлаштирган ҳолда мижозлар билан ишлаш мафкурасини такомиллаштириш;
- операцияларнинг рентабеллиги ҳамда бозор шароитига берилган баҳога асосланган ҳолда ягона фоиз ва тариф сиёсатини ҳаётга тадбиқ этиш;
- мижозлар ишончи, хизмат кўрсатиш тарихи, анъаналари ва тажрибаси каби рақобат афзалликларидан самарали фойдаланиш;
- ресурсларни тезкор қайта тақсимлаш ҳамда кўп филиалли мижозларга комплекс хизматлар кўрсатиш имконияти ва бошқалар.

2012 йил натижалари бўйича Миллий банк нетто активлари тузилиши қуидаги графикда фоиз ҳисобида кўрсатилган:



2012 йил 31 декабрдаги ҳолатга кўра, банк активлари 9.450 млрд. сўмни ташкил этди. Даромадли активлар аввалги йил натижаларига нисбатан 18,5% кўпайди.

Активлар тузилишида кредит операциялари катта қиёсий салмоққа эга – Банкнинг барча нетто активларининг 54%. Банк аввало иқтисодиётнинг базавий тармоқларида модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнларини кредитлар билан ҳар томонлама қўллаб-куватлайти; кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожланишини рағбатлантираяпти; хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаси тармоқларини ривожлантиришда кўмаклашаяпти, шунингдек минтақаларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурлари кредитлар билан қўллаб-куватланишини таъминламоқда ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги вакиллик, мажбурий резервлаш, активлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар ўрнуни қоплаш ҳисобваракларида қолдиқлар мавжуд бўлиб, улар улуши барча активларнинг 11%ни ташкил этди.


Бошқа банклардаги маблағлар 18%ни ташкил қилди. Ҳам ички, ҳам ҳалқаро пул бозорларида депозитларни жойлаштириш ишлари мамлакатлар, банклар ҳамда банк маҳсулотлари бўйича белгиланган хатар лимитлари доирасида олиб борилмоқда.

Инвестициялар ва қимматли қоғозларга қўйилмалар 8%ни ташкил этди.

Банкнинг асосий воситалари ва бошқа мол-мулкининг активлар умумий тузилишидаги улуши 2%ни ташкил қилди.

Банк пассивларининг 90% мажбуриятларга ва 10% сармояга тўғри келади.

2012 йил натижалари бўйича Миллий банк пассивлари тузилиши қуйидаги графикда фоиз ҳисобида кўрсатилган.



Умумий пассивларнинг 17%, тўланиши керак бўлган қарзларнинг 24% хорижий банклар берган кредитлар улушкига тўғри келади. Кейинчалик кредитлар сифатида қайта молиялаш учун жалб этилган маблағларнинг умумий улушки 41%ни ташкил этди. Бу эса, Миллий банк Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестициялар ва қарзларни жалб этиш борасида Республика Ҳукуматининг агенти вазифасини бажараётганлиги билан боғлиқдир.

Мижозлар маблағларининг улушки 37%, шу жумладан аҳоли омонатлари 5,5%, Банк чиқарган қимматли қоғозлар 2%, Банкнинг депозитлари 8%, сармоя 10%ни ташкил этди.

Пассивларни бошқаришни мақбуллаштириш мақсадида қуйидаги чоралардан фойдаланилмоқда: ликвид позицияни сақлаб туриш учун контрагент банклар томонидан

Миллий банкка кредит йўналишлари очиш; жойлаштириш муддатларига мос келадиган жалб этиш муддатлари бўйича ресурс базасини диверсификациялаш; маблағларнинг ўртача қолдиғи барқарорлигини ҳамда улар ўтроқлиги даражасини аниқлаш учун коэффициентлар тизими орқали мижозлар маблағларини таҳлил қилиш ва бошқалар.

Банк пассивлари тузилишининг ўзига хос хусусияти у хорижий инвестициялар ва қарзларни Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилиш бўйича Республика Ҳукуматининг агенти вазифасини амалга ошираётганлиги билан боғлиқ.

Активлар ва пассивларни бошқариш нарх сиёсати (фоиз, тариф сиёсатлари) билан узвий боғлиқdir. Зеро у самарали фаолиятни таъминлаш, фойдалилик билан ликвидлик ўртасидаги энг мақбул балансни сақлаб туришда ҳал қилувчи роллардан бирини ўйнайди ва шу тариқа умумиқтисодий барқарорликни таъминлайди, Банк мижозлари учун банк маҳсулотларининг жозибадорлигини белгиловчи омиллардан бири ҳисобланади.

Бизнес-режа асосида, макроиқтисодий омилларни, бозордаги шарт-шароитни ҳисобга олган ҳолда депозит омонатлари ва кредитлар бўйича базавий фоиз ставкаларининг миқдорлари тўғрисида қарорлар қабул қилинади.

Активлар ва пассивларни, уларнинг фоизлар борасидаги таъсирчанлигини бошқариш Банк балансини бошқаришнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади ва у фоиз маржасининг даражаси барқарорлигини таъминлайди.

Кўйилмалар/маблағларни қабул қилиш, сармояни шакллантириш масалалари кўриб чиқилаётганда Банк томонидан стратегик ва жорий ривожланиш режаларидан ташқари, Ҳукуматнинг Ўзбекистон банк-молия тизими молиявий барқарорлигини оширишга қаратилган қарорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тартибга солувчи талаблари эътиборга олинади.

Бундан ташқари, Банк ўз фаолиятида мамлакатлар учун лимитлар, вакил банклар учун лимитлар, пул ва валюта бозорларидаги операциялар учун лимитлар, савдони молиялаш, валюта операцияларини очиш лимитлари каби ва бошқа соҳаларда хатар лимитларини белгилаш ва назорат қилишнинг ўзи ишлаб чиқсан тизимларига таянади.

Миллий банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банки талабларига кўра белгиланган иқтисодий нормативларни зарур даражада сақлаб турибди.

БАНК ХАЛҚАРО САҲНАДА

Минтақавий ҳамкорликни, жумладан ҳалқаро молия муассасаларининг маблағларини жалб этган ҳолда фаоллаштиришда банк тизими мухим роль ўйнаши керак. Шу сабабли, Ўзбекистон Миллий банкининг тажрибаси, ресурслари ва пухта йўлга қўйилган алоқалари мазкур соҳага йўналтирилган.

Хорижий банклар ва ҳалқаро молия муассасалари билан ҳамкорликни изчил ривожлантириб келаётган Миллий банк Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро молия ҳамжамиятига кириб боришида фаол кўмаклашмоқда. Банк ўз шерикларининг Ўзбекистон билан ҳамкорликка бўлган иқтисодий қизиқишларини тезкор аниқлашга ҳамда уларни ўз ихтиёридаги барча воситалар билан қўллаб-қувватлашга интиляяпти.

Банк хорижий банклар ва ҳалқаро молия муассасалари (ХММ) билан ҳамкорлик доирасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича эришилган натижаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ишларини олиб бораяпти. Қуйидагилар хорижий банклар орасида Ўзмиллийбанк билан вакиллик муносабатлари ўрнатган асосий банклар ҳисобланади: Германиянинг Commerzbank AG ва Deutsche Bank AG банклари, Американинг J.P.Morgan Chase ва Citibank, Швейцариянинг Credit Suisse ва UBS, Япониянинг Bank of Tokyo Mitsubishi UFJ (ВТМУ) ва Sumitomo Mitsui Banking Corporation (SMBC), Россиянинг «Азия-Инвест Банк» ЁАЖ ва “Банк ВТБ” ЁАЖ банклари; ҳалқаро молия муассасалари орасидаги асосий ҳамкорлар – Хитой Давлат Таракқиёт банки (ХДТБ), Хитой Экспорт-импорт банки (Хитой Эксимбанки), Корея Экспорт-импорт банки (Корея Эксимбанки), Ислом Таракқиёт банки (ИТБ), Осиё Таракқиёт банки (ОТБ), Япония Ҳалқаро ҳамкорлик банки (JBIC), Ҳалқаро молия корпорацияси (ХМК).

Банк ҳар йили машхур ҳалқаро нашрларнинг нуфузли рейтингларида қатнашиб, жаҳон банк тизимида илғор мавқеларни дадил эгаллақ келмоқда. Миллий банк “The Banker” нашри томонидан ҳар йили эълон қилинадиган жаҳоннинг 1000та энг йирик банки рейтингига 1993 йилдан бўён кириб келмоқда. 2012 йил якунларига кўра, Ўзмиллийбанк Россиянинг «РИА-Рейтинг» рейтинг агентлиги версиясига кўра ўз активлари ҳажми бўйича МДҲдаги 50та энг катта банк рўйхатидан жой олди (“Активлар ҳажми бўйича МДҲдаги 100та энг йирик банк рейтинги”).

Банк профессионал молия муассасаси ва ўз мижозларининг ишончли ҳамкори сифатида мустаҳкам обрў қозонгандилиги, шак-шубҳасиз жаҳоннинг энг катта банклари билан вакиллик муносабатлари тармоғини кенгайтиришда ёрдам берди. Чунончи, таққослаш учун айтиш мумкинки, 1992 йилда жаҳоннинг 83та энг катта банки билан вакиллик муносабатлари ўрнатилган эди, ҳозир эса Миллий банк вакиллик тармоғи жаҳоннинг 80 мамлакатига мансуб қарийб 662та банкни қамраб олган.

Кўплаб хукуматлараро комиссияларнинг иштирокчиси ҳисобланувчи Миллий банк хорижий банклар ва молия муассасаларининг маблағларини республика иқтисодиётига жалб этиш, банклараро операцияларни такомиллаштириш, хорижий банклар билан ҳамкорликнинг янги йўналишларини ривожлантириш масалаларида Ўзбекистон Республикаси номидан иш олиб бораяпти.

Чунончи, 2012 йилда Миллий банк бир қанча икки томонлама битимлар ва меморандумларни имзолади. Бу ҳолат банк-молия муассасалари билан ўзаро манфаатли шериклик муносабатларини кенгайтириш ишларини давом эттириш, минтақавий ҳамкорлик доирасида экспорт-импорт савдо операцияларини қўллаб-қувватлаш, йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаш, республикадаги кадрлар малакасини оширишда кўмаклашиш имконини берди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Хитой Ҳалқ Республикасига 2012 йил 6 июнда давлат ташрифи билан боргандан имзоланган, Ўзмиллийбанк билан ХДТБ ўртасида ҳамкорлик тўғрисида тузилган, Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги лойиҳаларни молиялаш учун Миллий банкка 100 млн. АҚШ доллари ҳажмида 4-кредит линияси бериш

кўзда тутилган битимни шундай муҳим ҳужжатлардан бири сифатида қайд этишимиз мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йил 17-21 сентябрь кунлари Корея Республикасининг Сеул шаҳрига қилган давлат ташрифи доирасида Кореяning Eximbank of Korea ва Korea Development bank каби етакчи банклари билан Ҳамфирлик тўғрисида меморандумлар имзоланди. Уларда кореялик етказиб берувчилар/пудратчилар иштирокида лойиҳаларни молиялаш учун Ўзмиллийбанк фойдасига тегишлича 100 ва 250 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит йўналишлари тақдим этилиши кўзда тутилган.

Миллий банк 2005 йилдан буён Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Банклароро бирлашмаси (ШХТ ББ) аъзоси ҳисобланади ва ўша вақтдан буён ШХТ ББга аъзо мамлакатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда Бирлашма доирасида амалга ошириладиган барча тадбирларда қатнашиш борасида фаол иш олиб борилмоқда.

Етакчи халқаро рейтинг агентликларининг юксак баҳоларини олиш ва сақлаб қолиш масаласи банк сектори ҳам, бутун мамлакат иқтисодиёти ҳам халқаро молиявий-иктисодий тизимга янада муваффақиятли кириб боришининг долзарб ҳамда муҳим шарти ҳисобланади.

Ўзмиллийбанкка нуфузли халқаро агентликларнинг рейтинглари берилганлиги ривожланиш стратегияси тўғри танланганидан яна бир бор далолат беради ҳамда Банкнинг ички ва ташки бозорлардаги етакчилик мавқенини тасдиқлайди.

Бугунги кунда Миллий банк мамлакатимизда «Moody's Investors Service», шунингдек «Standard and Poor's» каби халқаро агентликларнинг рейтингларини олиб, дадил сақлаб турган кредит-молия муассасаси ҳисобланади. Барча рейтинглар “барқарор” прогнозига эга.

Рейтинг баҳоси Банк миллий иқтисодиётда, республикага хорижий инвестицияларни жалб этишда ва хорижий савдо операциялари бўйича хизматлар кўрсатишида муҳим роль ўйнаётганлигини кўрсатади.

Рейтинг агентликлари билан ҳамкорлик соҳасида тажриба ва ахборот алмашиш мақсадида 2012 йил мобайнида Миллий банк вакиллари «Moody's Investors Service», «Standard and Poor's», «Fitch Ratings» халқаро рейтинг агентликлари, шунингдек Ҳалқаро Валюта Фонди билан “Банкларнинг кредит хатарлари”, “Ўзбекистон банклари: бекарор ташки фонд шароитида ривожланиш”, “Банкларнинг молиявий лаёқати ва ликвидлигини аниқлаш учун стресс-тест ўтказиш”, “Standard and Poor's рейтинг агентлигининг кредит рейтинглари ва Ўзбекистон банклари бу рейтинглардан фойдаланиши” каби мавзулар бўйича ташкил этилган бир қанча ихтисослаштирилган семинарларда қатнашдилар.

КОРПОРАТИВ БАНК

Филиаллар тармоғи


Ўзмиллийбанк фаолиятида унинг қуи бўлинмаларини жўшқин ривожлантириш ва бошқариш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

2012 йил якунларига кўра, Банкнинг филиаллар тармоғи 92та бўлинмани ўз ичига олган. Улардан 14таси бўлим ва 78таси филиал бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг барча минтақаларида жойлашган мазкур бўлинмалар корпоратив ва чакана мижозларга кенг доирадаги замонавий банк хизматлари кўрсатилишини таъминляяпти.

Бундан ташқари, мижозларнинг барча эҳтиёжларини қондириш, улар учун қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида, шунингдек улар билан орадаги масофани ҳисобга олиб, республиканинг шаҳар ва қишлоқ жойларида 34та мини-банк ва 204та ихтисослаштирилган касса ишлаб турибди. Улар ёрдамида сифатли ва замонавий банк хизматлари кўрсатилмоқда.

Ҳисобот йили янги банк маҳсулотларини жорий этиш борасида Банк тармоғини янада кўпроқ модернизациялаш ва ривожлантириш даври бўлди. Тақдим этилаётган хизматлар сифатини яхшилаш, хизмат кўрсатилаётган мижозлар доирасини кенгайтириш, Ўзбекистоннинг етакчи банки сифатида ўз пешқадамлик мавқеини сақлаб қолиш Банкнинг асосий вазифасига айланди.

Юқорида баён этилганларнинг ҳаммаси 2012 йилда мижозлар базасини анча кенгайтириб, мижозларнинг умумий сонини 2 755,7 мингтага етказиш ёки аввалги йилнинг шу даврдагига (2 636,4 мингта) нисбатан 4,5% кўпайтириш имконини берди.



Миқдорга нисбатан сифатни биринчи ўринда ривожлантириш Миллий банк филиаллар тармоғини бошқариш тизимига асос қилиб олинган бош принципидир. Шунга мувофиқ, Банк бизнесни янада ривожлантириш, ресурс базасини ошириш, ҳозир ишлаб турган бўлинмаларда мижозларга хизмат кўрсатиш шакллари ва усусларини тамокиллаштиришни режалаштирумокда.

Ўтган йили Миллий банк муассасалари 587.551 млн. сўм миқдорида даромад олди ёки режани 130,7% қилиб бажарди. Тегишлича соф фойда 36.339 млн. сўмни ёки 105,2%ни ташкил этди.

Банкнинг ўз ресурс базаси мавжудлиги, кредит портфели тўғри диверсификациялангани, истиқболли даромад манбалари чукур ўрганилгани ва мижозларнинг энг қатъий талабларига жавоб берадиган кенг доирадаги банк

маҳсулотлари жорий этилгани Банкка Ўзбекистон Республикасининг бутун иқтисодий сектори ривожланишида кўмаклашиб, молия-кредит хизматлари бозорида пешқадамлик мавқенини эгаллаб туриш имконини бермоқда.

Кредит фаолияти

Банкнинг 2012 йил учун ишлаб чиқилган Кредит сиёсатига мувофиқ, Миллий банк томонидан тақдим этилган кредитлар янги замонавий ишлаб чиқаришларни барпо этиш, корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, замонавий транспорт, муҳандислик-коммуникация тармоғи ҳамда ижтимоий инфратузилма тобора илгарилаб ривожланиши ва шу асосда янги иш ўринлари вужудга келтирилиши, иқтисодиёт барқарор ва жўшқин ривожланишига эришиш, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш ва улар ривожланишини рағбатлантириш, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун қулай шартшароит яратиш, уй-жой, шу жумладан ёш оиласалар учун уйлар қурилишини кредитлаш миқёсларини кенгайтириш, ёш оиласаларнинг моддий-маиший шарт-шароитини, аёллар меҳнатини енгиллаштирувчи майший электр асбоблар билан таъминланиш даражасини яхшилаш мақсадида истеъмол кредитлари бериш ҳажмларини оширишга йўналтирилди.

2012 йилда кредит портфелининг ҳажми аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан 19% кўпайди. Кредит портфелида узок муддатли кредитлар улуши ҳамда бунинг учун ички манбаларни жалб этиш банк фаолиятини баҳолашнинг энг муҳим мезонлари сифатида белгиланган. Кредит портфелининг асосий улуши узок муддатли кредитлардан иборат бўлиб, уларнинг қиёсий салмоғини 91%ни ташкил этди.


Хорижий банкларнинг такрор молияланган маблағлари, ЎзР Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари, Банкнинг ўз маблағлари хорижий валютада кредитлаш учун; Банкнинг ўзига тегишли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан, Молия вазирлиги ва бюджетдан ташқари фонdlардан жалб этилган ресурслар миллий валютада кредитлаш учун манбалар вазифасини бажарди.

Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг капиталлашув даражасини янада кучайтириш ҳамда молиявий барқарорлигини ошириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартишлар жараёнига инвестицияларни кенг жалб этиш, ишлаб чиқаришларни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш мақсадида Банк томонидан йил бошидан бошлаб хорижий ва миллий валютада кредитлар берилди.

Иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-кувватлаш улар барқарор ишлаши ва экспорт салоҳияти ортишини таъминлашга қаратилган инқизорзга қарши дастурлар чора-тадбирлари амалга оширилиши натижасида ҳамда ЎзР Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058 сонли Фармонини бажариш мақсадида Банк 2012 йилда экспортчи корхоналарга имтиёзли кредитлар берди.

2013 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, Банк кредит портфелининг тармоқлар бўйича тузилиши қуйидагича бўлди:

2013 йил 1 январдаги ҳолатга кўра кредит портфелининг тузилиши



2012 йилда Банк Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2010 йил 6 апрелдаги ПҚ-1317 сонли қарорини бажаришга қаратилган кредитлар беришни давом эттириди.

2013 йил 1 январдаги ҳолатга кўра Банк кредит портфели умумий суммасида инвестиция кредитларининг қиёсий салмоғи 89%ни ташкил этди.

2012 йил якунлари бўйича “Ўзбекистон Ҳаво Йўллари” МАК, “Ўзбекэнерго” ДАК, Навоий кон-металлургия комбинати, “Ўзбекнефтгаз” МХК, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи УШК, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи УК, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Республика Йўл Жамғармаси, “Ўзгеобурғилашнефтгаз” АЖ, “Ўзбекистон Темир Йўллари” ДАТК каби корхона ва ташкилотлар Банкнинг энг иирик қарз олувчилиари сафидан ўрин олди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун 2012 йилда қўйидаги асосий йўналишлар бўйича лойиҳалар миллий ва хорижий валюталарда молияланди: сут маҳсулотлари, чорвачилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш учун замонавий мини-технологиялар сотиб олиш, хизмат қўрсатиш ва сервис соҳасини, шу жумладан сайёҳликни ривожлантириш, шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун, дехқон ва фермер хўжаликларига, тадбиркор аёлларга, оиласий тадбиркорлар ва бошқаларга.

2012 йилда Банк ўз фаолиятида “Мустаҳкам оила йили” давлат дастури, республикада иқтисодиётнинг тегишли тармоқларини ривожлантириш бўйича хукumat дастурлари, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари, иш ўринларини вужудга келтириш ва ахолини иш билан таъминлаш дастурлари чора-тадбирлари амалга оширилишини кредитлар билан қўллаб-қувватлади.

Лойиҳаларни молиялаш

Ўзбекистон банк секторининг иқтисодиёт тармоқлари қарор топишидаги иштироки таҳлил қилинганда кўриш мумкинки, тижорат банклари тўлиқ иқтисодий мустақилликни таъминлаш учун мамлакатга айниқса зарур бўлган тармоқларни кредитлашга алоҳида эътибор қаратдилар. Бу эса, кўп жиҳатдан иқтисодий ўсиш катализатори бўлиб хизмат қилди.

Кўйилган вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳам катта куч-ғайрат сарфламоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки мамлакат молия бозорида ўз етакчилик мавқенини сақлаб турибди. Катта ресурс базаси, сармоя ва активлар Банкка йирик ва узоқ муддатли кредитлар бериш, халқаро молия бозорида барқарор мавқеларни эгаллаб туриш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этиши имконини бераяпти.

Ҳозирги вақтда Миллий банк томонидан умумий қиймати 4,82 млрд. АҚШ доллари (эквивалентда) бўлган 122та инвестиция лойиҳаси бўйича 159та кредит юзасидан хизмат қўрсатилмоқда.

2012 йил учун Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг кафолати билан хорижий кредитларни жалб этган ҳолда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари манзил дастурига (ЎзР Президентининг 27.12.2011 йилдаги ПҚ-1668 сонли Қарорига 8-илова) мувофиқ, Миллий банк умумий кредит эҳтиёжи 415,8 млн. АҚШ доллари бўлган 2та лойиҳа бўйича молиялаш ишларини бошлади. Булар, жумладан: “Ўзбекистон Ҳаво Йўллари” МАК ҳаво кемалари паркини янгилаш ва унификациялаш (Хитой Давлат Тараққиёт банки ва ЎзР Тикланиш ва Тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобидан), “Ўзбекистон Темир Йўллари” ДАТК томонидан юк электровозларининг 11та секцияси сотиб олиниши (XXР Эксимбанкининг кредити ҳисобидан).

Янги ишлаб чиқаришларни вужудга келтириш, ишлаб турганларини модернизациялаш ва реконструкциялаш бўйича 2012 йилда амалга ошириладиган йирик инвестиция лойиҳалари жамлама манзил дастурига (ЎзР Президентининг 27.12.2011 йилдаги ПҚ-1668 сонли Қарорига 9-илова) мувофиқ Миллий банк умумий кредит эҳтиёжи 1.023,9 млн. АҚШ доллари бўлган бта лойиҳа бўйича молиялаш ишларини бошлаган. Булар, жумладан: “Ўзбекистон Ҳаво Йўллари” МАК ҳаво кемалари паркини янгилаш ва унификациялаш (Хитой Давлат Тараққиёт банки ва ЎзР Тикланиш ва Тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобидан), “Металл қуийиш-механика заводи” ШКда юрувчи состав таъмиrlаш базасини ривожлантириш, вагонсозликни ташкил этиш ва металл қуийиш цехини реконструкциялаш ҳамда Республика йўл жамғармаси учун бта кўчма асфальт-бетон комплекси сотиб олиш (ЎзР Тикланиш ва Тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобидан), Навоий ИЭСда буғ-газ қурилмасини бунёд этиш, Зормитан олтин конлари негизида кон қазиш комплексини қуриш, “Муборак газни қайта ишлаш заводи” УШКда суюлтирилган газ ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун пропан-бутан аралашмаси тайёрлаш қурилмасини бунёд этиш (ЎзР Тикланиш ва Тараққиёт жамғармаси ва Миллий банкнинг маблағлари ҳисобидан).

Бундан ташқари, ҳукумат қарорлари доирасида Миллий банк томонидан “Ўзбекэнерго” ДАКнинг қиймати 76,2 млн. АҚШ доллари бўлган “Тошкент ИЭСда 370 МВт қувватга эга буғ-газ қурилмасини бунёд этиш” лойиҳаси бўйича молиялаш ишлари бошланди (Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобидан) ҳамда ХДТБдан жалб этилаётган кредит бўйича “Ўзбекэнерго” ДАКнинг мажбуриятлари бўйича 220 млн. АҚШ доллари ҳажмида кафолат берилди. Шунингдек, Банк умумий кредит эҳтиёжи эквивалентда 26,54 млн. евро ва 7,4 млн. АҚШ доллари бўлган ип ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича Зта тўқимачилик инвестиция лойиҳасини молиялади.

Шундай қилиб, кўп йиллик иш тажрибаси, халқаро рейтинглар билан қайта-қайта тасдиқланган етакчилик, шунингдек мутахассислар юкори малакага эгалиги Банкка умуммиллий аҳамиятга эга хўжалик объектларини ривожлантириш молияланишини юкори даражада таъминлаш имконини бераяпти.

Хорижий инвестициялар Банк томонидан мамлакат иқтисодиётининг амалда барча тармоқлариға жалб этилмоқда. Инвестицияларнинг энг кўп ҳажми нефтни қайта ишлаш, машинасозлик, озиқ-овқат саноати, рангли ва қора металлургия, тўқимачилик саноати, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, алокা, транспорт ва сайёхлик инфратузилмаларини ривожлантиришга йўналтирилган.

Лойиҳаларни молиялаш натижасида тармоқлар бўйича ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ўсишига эришилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш

Мустақиллик йилларида жамиятда иқтисодиётнинг хусусий секторига бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Ўзбекистон кичик бизнеси ўз мавқеини йил сайин мустаҳкамлаб бормоқда. Мамлакат хусусий ва кичик фирмаларининг маҳсулоти Республика аҳолиси томонидан тобора кўпроқ эътироф этилаяпти. Қолаверса, хилма-хил маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган хусусий корхоналар хориж бозорларига чиқаётган ҳолатлар ҳам кўпаймоқда.

Қабул қилинган умумдавлат дастурига мувофиқ, мамлакат банклари тадбиркорлик субъектларига молиявий кўмак беришлари муҳим масала сифатида қайд этилган. Банклар тадбиркорлар билан фаол ҳамкорлик қилиши Республика иқтисодиётининг мазкур сектори ривожланиши суръатлари ва сифатига бевосита таъсир кўрсатади.

Мамлакатнинг етакчи банки ҳисобланувчи Ўзбекистон Республикаси Ташки имконият миллий банки бу йўналишда олиб бораётган ишлар ғоят катта аҳамиятга эга.

Миллий банк тақдим этажган кредитлар минглаб тадбиркорларга ўз бизнесларини ташкил этиш имконини бераяпти ва айни пайтда янги иш ўринлари вужудга келтирилишида кўмаклашмоқда.

Миллий банк мутахассислари мижознинг фаолияти хусусиятлари ва қарз маблағларига бўлган шахсий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, кредитлаш тури ва шаклини танлашда ёрдам берадилар. Буюртманома қисқа муддатларда кўриб чиқилиши, хужжатлар тўплами катта эмаслиги, кредитни сўндириш графити кулагилиги, ҳар бир мижозга алоҳида ёндашув – булар ҳозирги кунда Ўзмиллийбанк таклиф қилаётган афзалликлар рўйхатининг бир қисми, холос.

Миллий банк 2012 йилда молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига жами 800,2 млрд. сўм миқдорида кредитлар берди. Ўсиш 2011 йилдагига нисбатан 197,8 млрд. сўм ёки 32,8%ни ташкил этди.

Кичик бизнес субъектларига барча кредитлаш манбалари ҳисобидан берилган кредитлар жорий йил бошидан бўён 22,5 мингта янги иш ўрни яратилишига олиб келди.

Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан Миллий банк орқали берилган кредитлар ҳажми 2012 йил якунларига кўра 1,8 млрд. сўмни ташкил этди.

Ўзмиллийбанк тадбиркор аёлларни фаоллик билан ҳар томонлама қўллаб-куватлаб, шу тариқа аёлларни иш билан таъминлашда, уларнинг меҳнат шароитини яхшилашда, соғлом оилани шакллантиришда кўмаклашмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-куватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2004 йил 25 майдаги ПФ-3434 сонли Фармойишини бажариш мақсадида Миллий банк томонидан 2013 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, барча кредитлаш манбалари ҳисобидан тадбиркор аёлларга жами 90,2 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Ўсиш 2011 йилдагига нисбатан 28,1 млрд. сўм ёки 45,3%ни ташкил этди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 17.04.2006 йилдаги ПҚ-325 сонли ҳамда “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 21.05.2007 йилдаги ПҚ-640 сонли Қарорларини бажариш

мақсадида, Миллий банк томонидан 01.01.2003 йилдаги ҳолатта кўра, барча кредитлаш манбалари ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига жами 108,1 млрд. сўм ҳажмида кредитлар берилди. Ўсиш 2011 йилдагига нисбатан 49,2 млрд. сўм ёки 83,8%ни ташкил этди.

Банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 28.07.2010 йилдаги ПФ-4232 сонли Фармонини бажариш борасида серқирра ва аниқ мақсадли ишлар олиб борилмоқда. Чунончи, 2012 йилда Банк томонидан жами қарийб 5,9 млрд. сўм қийматидаги кредит маблағлари ажратилди. 2011 йилдагига нисбатан ўсиш 2,5 млрд. сўм ёки 75,9%ни ташкил қилди.

Микрокредитлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Микрокредитлаш субъектлари мустакил тадбиркорлик фаолияти билан илк маротаба шуғулланиб кўриб, ижобий тажриба тўплаганларидан кейин ўз мавқеларини мустаҳкамлаш ва майда бизнесдан йирикроқ ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этишга ўтиш учун катта рағбатга эга бўладилар.

2012 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан берилган микрокредитлар ҳажми 102,6 млрд. сўмни ташкил этди. 2011 йилдагига нисбатан ўсиш 32,5 млрд. сўм ёки 46,4%ни ташкил қилди.


Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларига қулай шарт-шароит яратилишини таъминлаш мақсадида Банкнинг ҳар бир таркибий бўлинмаси ҳузурида “Тадбиркорлар хоналари” ишлаб турибди. Бу ерда улар барча зарур ахборотни олишлари, ўзларини қизиқтирган ҳамма масалалар юзасидан Банк мутахассислари билан маслаҳатлашишлари мумкин.

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлашда Миллий банк иқтисодиёт тармоқларининг кенг доирасини қамраб олади. Булар – енгил саноат, озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, кимё саноати, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқалар. Иқтисодиётга хорижий сармоя кириб келиши қўшма корхоналар сони кўпайишида кўмаклашмоқда.

Барча кредитлар ракобатбардош маҳсулот чиқариш имконини берувчи энг янги ускуналар ва технологияларни сотиб олишга йўналтирилаяпти.

Республикада макроиқтисодий барқарорликка эришилганлиги кичик бизнес ривожланиши учун қўшимча омил яратди ҳамда мамлакат тадбиркорларининг молиявий аҳволи анча яхшиланишида ёрдам берди. Кичик бизнес субъектлари банк олдидаги ўз кредит мажбуриятларини бажаришларидаги ижобий динамика ҳам шундан далолат бермоқда.

**Кичик бизнесга ажратилган кредитларнинг тармоқлар
бўйича тузилиши (миллий валютада)**



ЧАКАНА БАНК

Чакана мижозлар учун банк хизматлари бозоридаги фаолиятни кенгайтириш Миллий банкнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Чакана банкнинг бош вазифаси тақдим этилаётган хизматлар доирасини кенгайтириш ва мижозлар учун юксак даражадаги сервисни таъминлаш йўли билан аҳолининг банк маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини максимал даражада қондиришдан иборат.

Жисмоний шахсларга тақдим этилаётган хизматлар рўйхатида, шак-шубҳасиз, депозит операциялари биринчи ўринда туради.

Омонаст операциялари

2012 йилда Банк чакана бизнесни ривожлантиришни муваффакиятли давом эттириди ва қўшимча равишда омонастчиларни жалб этиш ҳамда уларнинг ҳисобваракларидаги қолдикларни кўпайтириш ишида муайян ижобий натижаларга эришди.

Аҳоли омонастлари ҳажми ўтган йил давомида сўм эквивалентида 121,6 млрд. сўм (30,3%) кўпайиб, 2013 йил 1 январдаги ҳолатга кўра 523,5 млрд. сўмни, шу жумладан миллий валютадаги депозитлар 337 млрд. сўмни ва хорижий валютадаги депозитлар 186,5 млрд. сўм ёки 94 млн. АҚШ долларини ташкил этди.





2013 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, миллий ва хорижий валюталарда ўз ҳисобваракларига эга бўлган омонатчилар сони 2,6 миллион кишига етди. Бу эса, одамларнинг банкка ишончи ортганидан, уни омонатлар қайтарилиши ҳамда улар бўйича фоизлар тўланишини кафолатловчи ишончли ва баркарор молия муассасаси деб ҳисоблаётганларидан далолат беради.

Миллий банк доимий асосда сўм ҳамда валютадаги депозитлар диапазонини кенгайтириш борасида иш олиб бормоқда.

Мижозларга таклиф қилинаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини сақлаб туриш, депозит ҳисобваракларига ахоли маблағларини жалб этиш ишида кўпроқ самарадорликни таъминлаш ҳамда жалб этилган маблағлар ҳажмини кўпайтириш учун 2012 йилда хорижий валютадаги 2та ва миллий валютадаги 17та янги омонат жорий этилди. Булар, жумладан – коммунал ва бошқа хизматлар ҳақини тўлашда ахолига кўшимча қулайликлар яратиш учун мўлжалланган коммунал омонат, “Мустаҳкам оила йили” давлат дастурини бажариш учун ишлаб чиқилган “Мустаҳкам оила” ва “Садоқат” деб номланган 2та депозит, шунингдек “Наврӯз” байрами, “Хотира ва қадрлаш куни”, “Мустақиллик куни” ва “Устозлар куни”га бағишланган омонатлар. Бундан ташқари, сентябрь ойида мижозларнинг муайян тоифалари учун мўлжалланган “Талаба”, “Кафолат” ва “Пенсион” аниқ мақсадли депозитлари жорий этилди.

Чакана хизматларни ривожлантириш соҳасида 2012 йил учун тасдиқланган сиёсат муваффақиятли амалга оширилганлиги Миллий банкка мамлакат Президентининг 2008 йил 31 октябрдаги ПҚ-991 сонли Қарорига мувофиқ ресубрликада ҳар йили тижорат банклари орасида ахоли омонатларини жалб этиш бўйича ўтказиладиган танлов ғолиби бўлиш ҳамда “Ахоли омонатларини жалб этиш бўйича йилнинг энг яхши банки” (1-ўрин), “Пластик карточкалар орқали иш ҳақи лойиҳаларини жорий этиш бўйича энг яхши банк филиали” (Бухоро вилоят бўлимининг Операция бошкармаси – 2-ўрин) каби асосий ва “Хорижий валютадаги энг яхши жамғарма депозити” кўшимча номинацияларида совринли ўринларни эгаллаш имконини берди.

Чакана хизматлар тўпламига яна ахолидан коммунал хизматлар учун ва бошқа тўловларни мини-банклар ҳамда маҳсус кассалар тармоғи орқали қабул қилиш операциялари ҳам киради. Бу тармоқда 2012 йил 1 январдаги ҳолатга кўра 4та мини-банк

ва 83та махсус касса бор эди. 2012 йилда коммунал ва бошқа хизматлар ҳақи сифатида қарийб 152 млрд. сүм қабул қилинди.

Банк шунингдек жисмоний шахсларга халқаро тизимлар орқали амалга ошириладиган банклараро ва тезкор пул жўнатмаларини ўтказиш хизматларини таклиф қилаяпти.

Хозирги вактда банк муассасалари жисмоний шахсларнинг савдо-сотиққа алоқадор бўлмаган жўнатмаларини «Western Union», «MoneyGram», «CONTACT», «Быстрая почта», «Migom» ва «Азия Экспресс» тизимлари орқали қабул қилиш ҳамда юбориш хизматларини тақдим этаяптилар.



Мижозларга хизмат кўрсатиш пунктлари 2002 йилдан буён ишлаб келаётган давр мобайнида умумий қиймати 858 млн. АҚШ доллари бўлган қарийб 1,37 миллионта операцияни бажарди. Шу операциялардан 47,5 мингтаси 2012 йилда амалга оширилган бўлиб, жўнатмалар ҳажми 38 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Банкнинг инвестицион фаоллигини ошириш учун барқарор ресурс базасини шакллантириш мақсадида, жорий йилда депозитлар турларини қўпайтириш, шунингдек аҳолига кўрсатиладиган янги хизматлар ва банк маҳсулотларини жорий этиш ҳамда улар сифатини ошириш йўли билан аҳолидан жалб этилаётган бўш маблағлар ҳажмларини янада қўпайтириш чакана хизматларни ривожлантириш соҳасининг бош йўналиши бўлади.

Пластик карточкалар

Миллий банк замонавий технологияларни ва аҳоли учун банк маҳсулотларини жорий этиш соҳасида ўзининг новаторлигини, шунингдек ҳамиша мижозларнинг истакларини инобатга оловчи, ўз сиёсатини ҳар бир мижоз манфаатини кўзлаган ҳолда қурувчи шерик эканлигини яққол кўрсатди ва айни пайтда пластик карточкалар бозоридаги ўз етакчилик мавқеини сақлаб турган ҳолда карточка ушловчиларга нақдсиз шаклда кўрсатиладиган хизматлар доирасини кенгайтириб ва такомиллаштириб борди. Ўзмиллийбанкнинг ҳам миллий, ҳам хорижий валютадаги пластик карточкалари эгалари сони тўхтовсиз ўсиб бораётганлиги банк хизматлари бозорида Миллий банк ўз маркетинг сиёсатини тўғри танлагани ҳамда замонавий банк маҳсулотлари ва ускуналарини фаол жорий этаётганидан, бўлимлар ва филиалларни мунтазам равишда моддий-техник жиҳатдан қайта жиҳозлаётгани, шунингдек ходимлар малакасини доимий ошириб бораётганлигидан далолат беради.

Доимий мижозлар учун ҳам, потенциал мижозлар учун ҳам ўз хизматларининг жозибадорлигини ошириш, шунингдек аҳолининг нақд пулсиз чакана ҳисоб-китоблар тизимиға ишончини мустаҳкамлаш мақсадида Банк мунтазам асосда ҳар хил турдаги пластик карточкаларни ишлаб чиқиб, таклиф қиласапти, уларнинг эгаларига хизмат кўрсатиши инфратузилмасини ривожлантираяпти, жўшқин ўзгариб бораётган иқтисодий ва технологик омилларни, шунингдек Банклар ўюнмаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда тасдиқлаган Ягона тарифларни ҳисобга олган ҳолда ўзининг нарх ва тариф сиёсатини шакллантирмоқда.

2012 йил давомида Банк карточка бизнесининг барча йўналишлари бўйича фаолият кўлами кенгайтирилишини таъминлади, мижозларга пластик карточкалар бўйича янги хизматларни таклиф қилди, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими самарадорлигини ҳамда карточкалар орқали кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириди.

Муомалага чиқарилган карточкалар микдори 2013 йил 1 январдаги ҳолатга кўра 1.558 донадан ошди. Миллий валютадаги карточкалар бўйича Банкнинг тўлов терминаллари ва банкоматлари орқали бажарилган операциялар умумий ҳажми 1.566 млрд. сўмдан ошди. Бу эса, 2011 йилдаги шу кўрсаткичдан 18% юкори.



Сўм пластик карточкадан фойдаланувчи мижозлар сони доимий равишда кўпайиб бораётганлигини ҳисобга олиб, Миллий банк улар бўйича хизмат кўрсатиш


инфратузилмасини ривожлантиришга катта маблағларни йўналтиришда давом этди. 2012 йилда Банк пластик карточкаларни тўлов воситаси сифатида қабул қиласидаги савдо, хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш соҳаси корхоналари, коммунал тўловларни, шунингдек уяли алоқадан фойдаланганлик учун тўловларни қабул қилувчи пунктлар, дорихоналар, автомобилларга ёнилғи қуиши шоҳобчалари, авиа- ва темир йўл кассалари, маҳсус кассалар, мини банкларни ўз ичига олувчи савдо-сервис корхоналари тармоғини анча кенгайтириб, улардаги терминаллар сонини 1.188тага кўпайтирди.

Миллий валютада чиқарилган карточкалар бўйича 2012 йилда савдо-сервис корхоналарида бажарилган нақд пулсиз операциялар ҳажми қарийб 1,5 трлн. сўмни ташкил этди. Бу эса, аввалги йилдаги ҳажмдан 19% ортиқ.

01.01.2013 йилдаги ҳолатга кўраб 2005-2012 йиллар даврида

savdo- сервис корхоналаридаги айланмалар суммаси

(млн.сўм)



Миллий банк маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ва шаҳарни таркиб топтирувчи корхоналар билан биргаликда пластик карточкалар билан ҳисоб-китоблар кўламларини кенгайтириш, уларни қабул қилувчи инфратузилмаларни кўпайтириш, янги маҳсулот ва хизматларни жорий этиш ҳисобидан нақд пул эмиссиясини қисқартиришга, сўм карточкалар воситасида корхона ва ташкилотларда иш ҳақи тўлаш бўйича янги лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган комплекс дастурларни ишлаб чиқди, тасдиқлади ҳамда ҳаётга жорий этди. Бундай лойиҳаларнинг умумий сони 2013 йил 1 январдаги ҳолатга кўра 11.843тага етди. Шундан 1190таси 2012 йилда амалга оширилди.

Пластик карточка ушловчи мижозларга хизмат кўрсатадиган инфратузилма аниқ мақсад билан ривожлантирилиши муайян натижаларни берди. Бугунги кунда Миллий банк нақд пулсиз операцияларнинг умумий ҳажмдаги улуши 92,7% кўпайишини таъминлаб, нақд пулсиз чакана ҳисоб-китоблар тизимини жорий этиш бўйича асосий фояни амалга ошириди.

2012 йилда Банк SmartVista технологик платформасига асосланган «онлайн» тизими карточкаларини чиқариш ва уларга хизмат кўрсатишга киришди. Хусусан, ноябрь ойига келиб, шу тизим карточкаларини чиқариш учун мўлжалланган дастурий таъминотни мослаштириш ишлари амалга оширилди. 2013 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, чиқарилган карточкалар сони 54 мингтадан ошди.

Жорий йил 1 январдаги ҳолатга кўра, банк муассасаларида 122та банкомат ва яна шунча инфокиоск бор эди. Мазкур ускуналар иш ҳақи лойиҳаси жорий этилган корхоналарда, шунингдек супермаркетлар ҳамда умумий фойдаланишдаги бошқа жойларда ўрнатилган. Инфокиосклар ва банкоматлар карточка ушловчиларга маблағларни карточкага тушириш, уяли алоқа ва коммунал хизматлар ҳақини тўлаш операцияларини бажариш борасида қўшимча имкониятлар беради.

2012 йилда Миллий банк ўз мижозларига **ONLINE BANK** янги ахборот хизматларини тақдим этишни давом эттириди. **SMS-, E-MAIL-, WEB- хабарлаш ва IVR-сервис** хизматларини ўз ичига олувчи мазкур маҳсулот мижозларга банкда очилган ҳисобвараклар бўйича автоматик кўчирмалар, улар бўйича бажарилган операциялар тўғрисида хабарларни реал вақт режимида олиш, ҳисобваракдаги жорий қолдиқни назорат қилиш имконини беради. 2013 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, **ONLINE BANK** хизматига уланган мижозлар сони 22 мингтадан ошди.

Visa Classic ва Visa Electron халқаро карточкаларини чиқариш ҳамда улар бўйича хизмат кўрсатиш ишлари давом эттирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ҳисоб-китобларда қўлланилувчи VISA Electron Travel карточкасига айирбошлаш пунктларида сотиб олинган хорижий валюта киритилади. Шундай карточкалар фаол чиқарилиши VISA карточкалари эмиссиясини таъминлаш учун имконият яратди. Улар сони 2013 йил 1 январдаги ҳолатга кўра қарийб 52 мингтага етди.

Ўзмиллийбанк хизмат кўрсатиш тармоғида (савдо-сервис корхоналари, банкоматлар ва нақд пул бериш пунктларида) халқаро карталар бўйича айланма 2012 йил мобайнида 16,1 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Банк Visa халқаро карталарининг ушловчиларига савдо-сервис корхоналари ва банк муассасалари орқалигида эмас, банкоматлар ҳамда нақд пул бериш пунктлари орқали ҳам хизматлар кўрсатди.



Ўзмиллийбанк Ўзбекистон Республикасининг «UZKART» Банклараро тўлов тизимига кўшилган 28та банк учун ҳисоб-китоб банки вазифасини бажаради, шунингдек у «онлайн» режимида ишловчи янги «Uzkart-EMV» карточка тизими учун ҳам шу вазифани бажарувчи банк сифатида тасдиқланган.

Карточкаларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини мақбуллаштириш, мавжуд ускуналар ва дастурий таъминотдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва шу тариқа пластик карточкалар чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш дастурининг даромадлилигини кўпайтириш принципи асос қилиб олинган стратегия фаол амалга оширилалапти.

Чакана хизматларни ривожлантириш соҳасида 2012 йил учун тасдиқланган сиёsat амалга оширилиши банк пластик карточкалари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизими янада ривожланиши ва такомиллаштирилишини таъминлаш имконини берди.

ИНВЕСТИЦИЯ БАНКИ

Илгари ёпилган корхоналар бугун янгитдан ҳаёт бошламоқда. Экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда, минглаб одамлар доимий даромад манбаига эга бўляятилар. Буларнинг барчаси мамлакат иқтисодий жиҳатдан тараққий этишига, республика аҳолисининг фаровонлиги ортишига хизмат қиласи.

Банклар инвестицияларни йўналтириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, уларни техник ва технологик янгилаш, янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш ҳамда янги иш ўринларини вужудга келтириш йўли билан корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклашда бераётган ёрдам муҳим аҳамиятга эга. Давлат раҳбарининг “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053 сонли Фармони қўйилган вазифаларни ҳал этишда муҳим хукуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий фаолият миллий банки банкрот корхоналарни соғломлаштиришда фаол қатнашашти. Мамлакат Президентининг Фармонига мувофиқ Банк олиб бораётган ишлар ўз ижобий натижаларини бермоқда.

Ўзмиллийбанк мамлакатдаги энг катта инвестиция банки ҳисобланади. Банк ўз сармояси билан республикадаги стратегик муҳим корхоналарнинг акциядорлари таркибида кириш йўли билан иқтисодиётнинг турли секторларига мансуб корхоналарни инвестициялаш жараёнларида, модернизациялаш, технологик ва техник қайта жиҳозлашда ўз сармояси билан иштирок этаяти.

2013 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, Банк томонидан корхоналар акциялари ва улушларини сотиб олиш йўли билан уларнинг устав сармоясига йўналтирилган жами қўйилмалар 799,3 млрд. сўмни ташкил этди. Ҳолбуки, мазкур кўрсаткич ўтган йил бошида 636 млрд. сўм эди. Ҳисобот йилида Банк инвестиция портфелидаги ўсиш 163,3 млрд. сўмни ташкил этди. Бунга асосан Банк Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053 сонли Фармони ҳамда “Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида” 2008 йил 19 ноябрдаги Р-4010-сон фармойишини бажариш доирасида макроиқтисодий мувозанатни ҳамда иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини, иқтисодиёт тармоқлари барқарор ишлашини таъминлаш бўйича инқирозга қарши дастурни амалга ошириш натижасида эришди.


2013 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, банкрот корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш, уларни модернизациялаш ва зарур айланма сармоя билан таъминлаш учун жами 157,7 млрд. сўм, шу жумладан 2012 йилда 41,5 млрд. сўм миқдоридаги маблағлар инвестицияланди.

Ўтказилган ишлар натижасида 2013 йил 1 январдаги ҳолатга кўра фаолияти қайта тикланган 48та корхонада (тикланган ва сотилган 18та корхонани ҳам қўшиб ҳисоблаганда) 434,4 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, 100,2 млн. АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот экспорт қилинди. Бу кўрсаткичларнинг тегишлича 157,7 млрд. сўм ва 30,8 млн. АҚШ доллари 2012 йилга тўғри келди. Корхоналарда 5546та иш ўрни вужудга келтирилди.

Шу билан бирга, Банк банкрот корхоналар мулки негизида ташкил этилган шуъба корхоналарнинг активларини «NBU Invest Group» ОАЖ ва «NBU Investment» ОАЖ инвестиция компаниялари орқали самарали бошқариш тизимини йўлга кўйган. Мазкур инвестиция компанияларига банкрот корхоналар негизида ташкил этилган 29та шуъба корхона ишонч асосида бошқариш учун топширилган.

Банк ушбу инвестиция компанияларининг устав сармоясини шакллантириш учун 128 млрд. сўм миқдорида пул маблағлари ажратган. Шундан 21,8 млрд. сўми 2012 йилда ажратилган.

Шуъба корхоналар ҳисобига Банк қўйилмалари ошганлиги инвестициялар портфели тузилиши ўзгаришига олиб келди. Мазкур портфель 01.01.2013 йилдаги ҳолатга кўра қўйидаги кўринишга эга бўлди:



Банк портфелининг катта улуши асосан банкрот корхоналар негизида ташкил этилган шуъба корхоналарга тўғри келади (73,51%).

Шунингдек, банк томонидан молия бозори муассасаларини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, инвестицияларнинг катта қисми банк секторига (3,96%), молия бозори инфратузилмасига (16,04%), лизинг компанияларига (0,99%), шунингдек суғурта компанияларига (0,7%) йўналтирилган.

Қимматли қоғозлар ва улушларга инвестицияларни амалга ошириш вақтидаги Банк инвестиция сиёсати фаолият қўлларини кенгайтириш, қўшимча мижозларни жалб этиш билан бир вақтда, асосий мезон сифатида фонд портфели даромадлилиги таъминланишини кўзда тутади. Ҳисобот даврида Банк қимматли қоғозлар билан операциялардан олган даромад 8962,4 млн. сўмни ташкил этди. Жумладан:

- давлат ўртача муддатли ғазначилик мажбуриятлари – 27,9 млн. сўм;
- “Агробанк” ОАЖнинг депозит сертификатлари – 525,5 млн. сўм;
- акциялар ва улушлар бўйича дивидендлар – 8409 млн. сўм.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юкори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” 26.11.2010 йилдаги ПҚ-1438 сонли Қарорини бажариш мақсадида жами 35 млрд. сўм қийматидаги 35.000 дона корпоратив (субординацияланган) облигациялар чиқаришга қарор қилинди. Эмиссия ҳужжатлари (Эмиссия проспекти ва Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор) давлат рўйхатидан ўтказилди ҳамда Банкнинг корпоратив облигациялари тўлиқ жойлаштирилди.

Хозирги вақтда Банкнинг жами 144,9 млрд. сўмлик қарз қимматли қоғозлари мумомалада юрибди. Шундан 23,6 млрд. сўмлиги юридик шахслар учун депозит сертификатлари, 47,5 млн. сўмлиги жисмоний шахслар учун депозит сертификатлари ва 121,2 млрд. сўмлиги корпоратив облигациялардир.

Шундай қилиб, рентабеллиги паст корхоналарни соғломлаштириш ва қўллаб-кувватлаш борасида кўрилаётган чоралар иқтисодиётнинг ташқи омиллар таъсирига чидамлилигини таъминлаш имконини бераяпти, иқтисодиёт барқарор ривожланиши, экспорт ҳажмлари оширилиши, янги иш ўринлари вужудга келтирилиши учун шарт-

шароит яратиб, шу тариқа аҳолининг турмуш даражасини оширмоқда. Шу боис, ҳозирги кундаги муҳим иш – банкрот корхоналарни соғломлаштириш келажакда ҳам Миллий банк фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

БАНК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ РИВОЖЛАНИШИ

Миллий банк бир томондан бутун дунёдаги молия ташкилотлари билан банклараро муносабатлар зарур даражада бўлишини таъминлаш, иккинчи томондан эса, республика ичida ўз мижозларига юқори сифатли хизмат кўрсатиш ва уларни зарур хизматлар билан таъминлаш учун ахборот тизимини бутун дунёда қабул қилинган стандартларга мувофиқ ривожлантираяпти. Миллий банк кейинги йилларда кўрсатилаётган хизматлар доирасини анча кенгайтириди ва мижозларга ҳам корпоратив, ҳам чакана хизматларни тақдим этувчи универсал банкка айланди. Банк ривожланган ахборот инфратузилмасига эга. Миллий банк доимий асосда амалий дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиши ва модернизациялаш ҳамда ишлаб турган автоматлаштирилган банк тизимларини модернизациялаш ишларини олиб бораюпти. Автоматлаштирилган банк тизими молиявий ресурсларни керакли соҳаларда жамлаб, Банкнинг ресурсларини бошқариш, Банк бўлинмаларини оператив тарзда идора этиш имконини беради.

Банкнинг асосий тизимлари ишончлилигига кластерли ечимлар асосида резервлаш ҳисобидан эришилди. Бундай йўл тутилиши ҳатто бир ёки бир нечта сервер ишдан чиқкан тақдирда ҳам функционалликни таъминлайди.

Шу билан бирга, жаҳондаги ахборот технологиялари ривожланиши тенденцияларини эътиборга олиб, Банк мутахассислари Банк ахборот тизимларини такомиллаштириш борасида янги лойиҳаларни амалга ошироқда. Уларга аввало қўйидагилар киради:

- Банк бўлинмалари маълумот узатиш корпоратив тармоғи (МУКТ) бўйича банк хизматлари кўрсатишида фойдаланиладиган ахборот ресурслари ва сервислари билан ишлаётганда тизим ишламай қолиши эҳтимолини янада камайтириш;
- хусусий мижозлар учун карточкадангина эмас, депозит ҳисобваракларидан ҳам тўловлар ўтказиш (товарлар ва хизматлар ҳақини мобил телефонлар ва Интернет тармоғи орқали ўтказиш) сервисларини жорий этиш. Шунингдек, Android операцион тизимида ишловчи аппаратлар учун маҳсус дастур тайёрланди. iOS (iPhone, iPad) ва Windows Mobile тизими негизидаги аппаратлар учун иш олиб бориласпти;
- интернет-банкингни жорий этиш. Бу лойиҳа R-bank тизимига уланган Банк мижозларига Банкда очилган ҳисобвараклар билан Ўзбекистоннинг исталган жойида туриб ишлаш имконини берди. Бунинг учун у ерда Интернет халқаро тармоғи бўлиши кифоя;
- пластик карточка ушловчи хусусий мижозлар учун ONLINE BANK хизмати жорий этилди. Мазкур хизмат уларга SMS-/EMAIL-хабарлаш каби сервислардан, ўз ҳисобварафини кузатиш учун Web-/IVR-кабинетдан фойдаланиш имконини беради. Тақдим этилаётган хизматлар доирасини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш мақсадида, шунингдек Smart Vista янги карточка тизими фойдаланишга киритилгани муносабати билан, SMS/EMAIL-хабарлаш сервислари Smart Vista пластик карточкалари ушловчилари учун ҳам жорий этилди;
- ахборот хизматларини янада такомиллаштириш доирасида, депозит ҳисобваракларидаги қолдиқлар ва айланмалар ҳақида, берилган кредитлар қандай сўндирилаётгани ва омонатлар бўйича ҳисобланган фоизлар тўғрисида Интернет тармоғидаги шахсий кабинет орқали ахборот олиш имкониятини хусусий мижозларга тақдим этиш. Депозит ҳисобваракларидаги қолдиқ ва айланма ҳақидаги маълумотларни кўриб чиқиши имконияти ишлаб чиқилди ҳамда синов сифатида жорий этилди. Шунингдек, кредитлар бўйича қарзларни тўлаш ва депозитлар бўйича ҳисобланган фоизлар ҳақида ахборот бериш ҳам режалаштирилган;
- корпоратив мижозлар учун R-bank (Internet banking) хизматидан ташқари, ҳисобвараклар бўйича операциялар тўғрисида ахборот олиш тезкорлигини

ошириш мақсадида, SMS-/EMAIL-хабарлаш ва IVR-кабинет хизмати жорий этилди.

Юқори малакали профессионаллар командаси Банк ахборот тизимлари ишини таъминлаяпти ҳамда янги, энг истиқболли ахборот технологияларини жорий этмоқда. Бу эса, Миллий банкнинг юксак рақобатбардошлигини кафолатлайди.

БАНК ХОДИМЛАРИ

Банк ходимларининг ўзига хос жиҳатлари ва таркиби аввало банк ишининг алоҳида хусусиятлари билан боғлиқдир. Бу эса, банк ходимлари банк фаолиятининг ҳар хил турларини амалга ошириш учун зарур муайян профессионал билимлар ва қўнимкамаларга эга бўлишларини тақозо этади. Фаолият соҳасига қараб, барча мутахассислар тегишли бўлимлар, бошқармалар, департаментларга бўлинган.

Маълумки, банк рақобатли ва доимо ўзгариб турувчи муҳитда ишлайди. Бу ҳолат банк ходимларидан алоҳида, катта масъулиятни ва ҳар бир алоҳида ходим ўз меҳнати билан банк ишининг умумий натижаларига, унинг обрўсига бевосита таъсир кўрсатишини тушунишларини талаб қиласди.

Банк ишидаги техника ва технологиялар ривожланиши, хўжалик алоқалари мураккаблашгани ҳамда мижоз учун қураш ўткирлашгани, банкдаги таҳлил ва прогнозлаш ишларининг аҳамияти ортганлиги банк ходимлари меҳнатининг интеллектуаллашув даражаси ортишига олиб келди. Мазкур ҳолат уларнинг профессионал маҳорати доимий равишда такомиллаштириб борилиши ва тайёргарлик даражаси оширилиши заруратини келтириб чиқарди. Замонавий банкларда раҳбарлар ва мутахассислар банк иши шарт-шароити ўзгариб боришига қараб ходимларни ривожлантириш тизимини ишлаб чиқиши асосида узлуксиз ўқитилишини ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Миллий банкининг ходимлари 6,5 минг кишидан ортиқ. Ўзмиллийбанк тузилиши ҳам анча кенгайди, Миллий банқда 92та таркибий бўлинма ишлаб турибди. Булар, жумладан – Миллий банк Марказий офиси, Ўзмиллийбанк Тошкент шаҳар бош бошқармаси, Банкнинг 13та вилоят бўлими ва 78та филиали.

Бугунги кунда Ўзмиллийбанк кадрлар тайёрлаш стратегияси банк ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада ривожлантиришга йўналтирилган. Кадрлар малакасини ошириш тизимини қураётганда Миллий банк ўзининг оператив эҳтиёжлари ва стратегик манфаатларига асосланади. Ротация ва кадрлар резервини тайёрлаш масаласига катта эътибор берилмоқда. Бу резерв таркибига Банк тизимидағи 368 нафар истиқболли мутахассис кирган.

Кадрларни тайёрлаш, шу жумладан Банк кадрларининг резервини шакллантириш ишлари банк фаолиятининг турли йўналишлари бўйича олиб борилаяпти. Хусусан:

- Хорижда малака ошириш. Хорижий вакил банклар ва хорижий шериклар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда кенгайтириш мақсадида 2012 йилда Ўзмиллийбанкнинг 53 нафар ходими чет давлатларга борди. Шулардан 32 нафари хизмат ишлари билан, 21 нафари малака ошириш учун юборилди. Бунда ўрганилган асосий масалалар: ўтиш иқтисодиёти, молия тизимини ривожлантириш, лойиҳаларни молиялаш (инфратузилма, қишлоқ хўжалиги, кичик ва ўрта бизнес лойиҳалари, хатарларни бошқариш, халқаро миқёсда лойиҳаларни молиялаш, Молиявий ҳисбот халқаро стандартлари бўйича бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи, халқаро банк ва молия ҳуқуки). Шунингдек, лойиҳаларни бориб кўриш, банклараро алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш режалаштирилган;

- ЎзР Банк-молия академиясидаги ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда ўқитииши (14 ой). 2011-2012 йилларда Банк-молия академиясига Ўзмиллийбанк тизимининг 9 нафар мутахассиси ўқишига кирди. 2012 йил декабрь ойида барча тингловчилар магистрлик ишларини муваффақиятли ҳимоя қилиб, Банк-молия академиясини тугалладилар ва ишга тушдилар. 2012-2013 йилларда Банк-молия академиясига Ўзмиллийбанкдан 9 мутахассис ўқишига кирди ва уларнинг ўқиши ҳозир давом этмоқда;

- Номенклатура лавозимларига (вилоят бўлиmlари, филиалларнинг бошқарувчилари, бўлиmlар ва филиалларнинг бош бухгалтерлари, Тошкент шаҳар бош бошқармаси ҳамда унинг филиалларининг бош бухгалтерлари лавозимларига) резервда

турганлар 368 киши. Банк кадрлар резервининг малакасини ошириш мақсадида улардан 171 киши малака ошириш курсларида ўқитилди;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамда Олий бизнес мактаби. 2011-2012 ўқув йилларида Давлат ва жамият қурилиши академиясига (кундузги бўлим) Ўзмиллийбанкнинг 2 ходими ўқишга кирди. Ҳозирги вақтда улар ўқишни муваффақиятли тамомладилар. 2011-2012 ўқув йилларида Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳузуридаги Олий бизнес мактабига сиртдан ўқиш учун 4 киши кирди. Ҳозирги вақтда улар ўқишни тамомляптилар. Академия ва Олий бизнес мактаби битирувчилари Банк резерви ҳисобланади. Уларнинг қўпчилиги раҳбарлик лавозимларига тайинланган. 2012 йил май ойида Давлат ва жамият қурилиши академияси Давлат бошқаруви академиясига айлантирилди;

- 2012 йилда қисқа муддатли минтақавий малака ошириши курсларида ўқитиш. Тижорат банкларининг мутахассисларини ўқитиш бўйича 2012 йил учун тасдиқланган режа-графикка биноан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” 26.11.2010 йилдаги ПҚ-1438 сонли қарори 1-иловасининг 69-бандига мувофиқ, 2012 йил якунлари бўйича Миллий банкнинг 390 нафар мутахассиси турли малака ошириш курсларида таҳсил олдилар. Булар: БМА, РБЎМ, ЎБУ, МЦФЭР-У, ТМИ, ТДИУ, Тошкент шахридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти. Ўқитиш учун асосий мавзулар: молиявий ҳисбот халқаро андозалари: назария ва амалиёт асослари; банкларнинг кредит операциялари; ипотека кредитлари бериш усуслари; тижорат банкида ходимларни бошқариш; лойиҳаларни молиялаш; молиявий ҳисбот халқаро стандартлари ва бошқалар;

- Ўзмиллийбанкнинг маҳсус таълим грантлари бўйича ёши мутахассисларни тайёрлаш. Илғор халқаро таълим стандартлари даражасида юқори малакали мутахассислар тайёрланишини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, айниқса Ўзбекистон минтақаларидан бўлган ёшларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шартшароит яратиш ва ундан самарали фойдаланиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шахридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида” 05.09.2007 йилдаги ПҚ-691-сон Қарорини бажариш учун Ўзмиллийбанк таъсис этган маҳсус таълим грантлари асосида Тошкент шахридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтида 2008 йилдан бўён 4 йиллик бакалаврлар дастури бўйича Ўзмиллийбанк грантини олган ёшлар таълим олайяпти. 2012 йилда 12 нафар талаба ўқишни муваффақиятли тамомлади.

2012 йилда банк тизими учун кадрлар тайёрлаш мақсадида, белгиланган тартибда ишлаб чиқариш амалиётига 256 талаба қабул қилинди. Шулардан 95 нафари Тошкент Молия институтининг талабаси, 13 нафари Тошкент шахридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг талабаси, 11 нафари жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетининг талабаси, 51 нафари ТошДИУ талабаси, 86 нафари банк коллежларининг битирувчилари (асосан, Банкнинг филиаллар тармоғига). Иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртларининг 61 нафар битирувчиси ва битирувчи курсларнинг талабаси уларнинг профессионал ва амалий сифатларини ўрганиш ҳамда кейинчалик ишга қабул қилиш мақсадида 2012 йилда стажировкага олинди. Стажировка якунлари бўйича уларнинг энг истиқболилари Банк тизимига ишга олинади;

- ҳисбот дәврида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 сонли қарорини бажариш мақсадида иии олиб борилди: 2012 йилнинг апрель ойида Ўзмиллийбанкнинг 20 кишидан кўпроқ ходимлари гурухи “SAIPRO” ахборот-рейтинг агентлиги 2012 йил май ойида уюштирган Тошкент Халқаро инвестиция-молия анжумани ишида қатнашди. Ўзмиллийбанкнинг 3 нафар ходими Ўзбекистон банклар уюшмаси, Ўзмарказбанк, Банк-

молия академияси томонидан Германия халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалар фонди билан ҳамкорликда ташкил қилган “Хатар менежменти” семинарларида қатнашди; Банкнинг 13 мутахассиси Халқаро валюта фонди ва Ўзмарказбанк вакиллари иштирокида 2012 йил 27 июня ўтказилган “Банкларнинг молиявий лаёқати ва ликвидлигини стресс-тестдан ўтказиш” семинари ишида фаол иштирок этдилар, шунингдек Ўзмиллийбанк ходимлари Ўзбекистон банклар уюшмаси, Банк-молия академияси ва Республика иқисодий олий ўкув юртлари негизида ташкил қилинган илмий-амалий конференциялар ишида фаол қатнашдилар.

Кадрларни янгилаш ишлари доимий равища олиб борилаяпти, кадрлар ротация қилинмоқда, Банк ходимлари учун стажировкалар ташкил этилмоқда.

Ўзмиллийбанк ходимларини рафбатлантириш дастурларини амалга ошириш мақсадида уларга мунтазам равища ижтимоий ёрдам ва моддий кўмак берилаяпти. 2012 йилда Банкнинг 17 ходимига ёшга доир пенсия ва ногиронлик пенсияси тайинланди. Ўзмиллийбанкнинг 21 нафар собиқ ходимига тайинланган ёшга доир банк пенсияси, 8 нафар собиқ Банк ходимининг ногиронлик пенсияси миқдорлари қайта кўриб чиқилди.

Миллий банкда Банк мутахассислари малакасини ошириш маҳсус маркази (МОМ) ишлаб турибди.

2012 йил мобайнида Ўзмиллийбанк мутахассисларининг малакасини ошириш марказида Банкнинг 273 нафар мутахассиси ўқитилди. Шулардан 62 нафари номенклатурадаги лавозимларга резервда турган мутахассислардир.

МОМда 2012 йил учун ўкув режасида кўзда тутилган 18та курс бўйича машғулотлар ташкил этилди. Бунда қуидаги мавзуларда машғулотлар ўтказилди:

“Замонавий банк иши” – бошқарувчи ва бошқарувчи ўринbosари лавозимларига резервда турган мутахассислар учун; “Банк бухгалтерия ҳисоби” – Бош бухгалтер ва бош бухгалтер ўринbosари лавозимларига резервда турган мутахассислар учун; “Бўлим балансини бошқариш”; “Экспорт-импорт контрактлари ва конвертация ҳужжатлари ҳисобини юритиш ишларини ташкил этиш”; “Тижорат банкининг кредит сиёсати”; “Пул муомаласини ташкил этиш”; “Эмиссия-касса ишларини ташкил этиш”; “СМАРТ-ВИСТА карталар билан ишлашни ташкил этиш” ва бошқалар.

2012 йилда Ички назорат департаменти билан биргаликда кўчма семинарлар дастури ҳамда “Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиб чора-тадбирлари тўғрисида”ги ЎзР қонунини, шунингдек мазкур қонунга мувофиқ чиқарилган ички норматив ҳужжатларни ходимлар қанчалик билишини текшириш мақсадида компьютерда тест синовлари ўтказиш учун саволлар ишлаб чиқилди.

Ушбу фармойишга мувофиқ, 2012 йилда юкорида айтилган семинарлар Банкнинг 81та муассасасида (13та бўлим ва 68та филиалда) ўтказилди. Уларда 1.701 нафар мутахассис қатнашди ва 1.329 мутахассис тегишли норматив ҳужжатларни билиш бўйича тест синовларидан ўтди.

Бундан ташқари, ишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш борасида раҳбарлар ва мутахассисларнинг малакаси ҳамда кўнимкамларини ошириш хусусида қабул қилинган ЎзР Вазирлар Махкамасининг 27.10.2011 йилдаги 289-сон Қарорини ҳамда Ўзмиллийбанк бўйича чиқарилган 2012 йил 2 майдаги 475/14-сон фармойишни бажариш мақсадида, Банкнинг Ахборот технологиялари департаменти билан биргаликда аттестацияга тайёргарлик доирасида Бош офис ходимлари учун машғулотлар ўтказилди.

Айни пайтда, Ўзмарказбанк берган топшириққа мувофиқ, Марказ томонидан бўлим ва филиалларнинг бошқарувчи (13) ва бош бухгалтер (10) лавозимларига тавсия этилган 23 нафар мутахассиси индивидуал тайёргарликдан ўтказилди.

2012 йил мобайнида ўқитишнинг барча шакллари билан жами 2.128 нафар Банк ходими қамраб олинди.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ГАЛЕРЕЯСИ

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси ўз фаолияти йилларида нафақат Ўзбекистонда, балки бутун собиқ совет республикаларида ҳам ноёб маданият ва санъат марказларидан бирига айланди. Жаҳон тажрибасидан яхши маълумки, турли банклар ҳомийлигига тасвирий санъатнинг ҳар хил турлари фаол қўллаб-кувватланади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий фаолият миллий банки XX асрга мансуб Ўзбекистон рангтасвир ва график асарларининг қизиқарли коллекциясига эга. Мамлакатнинг биронта ҳам музейида уларга ўхшаш асарлар йўқ. Бу коллекцияга замонавий ўзбек рассомларининг асарларигина эмас, айни пайтда миллий санъат классиклари томонидан XX асрнинг биринчи ярмида яратилган раритетлар ҳам кирган. Миллий банк тангалар коллекцияси ҳам ғоят ноёбдир. Бу коллекция қадимдан бизнинг кунларимизгача Марказий Осиё ҳудудида мавжуд бўлган турли давлатлар ва турли тарихий даврлар тангалари тизимининг эволюциясини кузатиш имконини беради. Ҳозирги вақтда Миллий банк тарихий-маданий мероснинг ўрта аср қўллэзмалари каби муҳим қисмини ҳам сотиб оляпти, шунингдек рангтасвир, графика ва ҳайкалтарошлиқ асарлари коллекциясини тўлдирмоқда.

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси кўргазмалар фаолияти билан қизгин шуғулланиб, замонавий санъатда мавжуд бўлган бадиий йўналишлар ҳақидаги, Ўзбекистон тасвирий санъатини ривожлантиришга хисса қўшаётган мусаввирлар тўғрисидаги ахборотни ўзбек томошабинига етказаяпти.

2012 йилда Миллий банк коллекциясига замонавий ўзбек муаллифларининг бир қанча қизиқарли рангтасвир, график асарлари ва ҳайкаллари, шунингдек Хоразм ҳукумдорларининг ноёб кумуш тангаси қўшилди.

Тарихий мавзудаги кўргазмалар орасида Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасидаги дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг 20 йиллигига бағишилаб ўтказилган Санъатшунослик институти коллекциясининг “Ўзбекистонинг Буддага оид мероси” археологик кўргазмасини алоҳида қайд этиш жоиздир. Ўзбекистонлик археологлар, тарихчилар, санъатшунослар, музейшунослар ва Ўзбекистон билан фақат илмий эмас, шу билан бирга дўстона алоқалар ҳам боғлаб турган япон археологи Кюизо Като орасида бўлиб ўтган учрашув юқоридаги кўргазмага қўшимча бўлди. Профессор Като 20 йилдан ортиқ вақтдан буён Сирдарё вилоятида Будда маданияти ёдгорликларини қидириб, археологик қазилма ишларини олиб бориб, Ўзбекистоннинг тарихий-маданий мероси нақадар бойлиги ва хилма-хиллигидан ҳайратланиб келмоқда.

Миллий банк ва Галеря жаҳонга танилган археолог, тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сенатори, ЎзР ФА академиги Э.В.Ртвеладзенинг 70 йиллигига бағишиланган тантанали тадбирда фаол қатнашдилар.

2012 йилда Галеряда ўтказилган шахсий кўргазмалар орасида рассом Бобур Мухамедовнинг “Ранглар жилоси” кўргазмаси, Ўзбекистон Бадиий академиясининг академиги, Ўзбекистон Халқ рассоми Медат Кагаровнинг вафотидан кейин ўтказилган “Дарбадар” кўргазмаси, Татьяна Ли асарларининг “Сароб” кўргазмаси, Бахтиёр Назаровнинг “Танланган йўл” кўргазмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси академиги, Ўзбекистон Халқ рассоми Акмал Икромжоновнинг “Замонлар ва тақдирлар” кўргазмаси ва бошқалар алоҳида эътиборга лойик.

Жамоавий кўргазмалар орасида Наврўз байрамига бағишилаб ўтказилган, “Қирралардан шаклларга” деб номланган Ўзбекистон манзарали пластика санъат асарлари кўргазмаси, Мустақиллик кунига бағишиланган “Қадрдон ўлка оҳанглари” номли рангтасвир, графика ва ҳайкалтарошлиқ кўргазмаси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмасликнинг иложи йўқ. ArtweekStyle.uz доирасида ўтказилган 6-Тошкент Фотобиеналеси юксак профессионал даражада бўлиб ўтди. Унда Франк Родель (Германия), Георгий Пинхасов (Франция), Найока Огино (Япония), Айттор Лара (Испания), Луиджи Спина (Италия), Лю Чао Чен, Су Жи Ан (Хитой) ва кўплаб

бошқаларнинг шахсий экспозициялари, шунингдек А.Ҳакимовнинг «Фото-римейк. Генеалогия: хотира дараҳти» халқаро лойиҳаси намойиш этилди.

“Ўзбекистон музейлари” туркумида 2012 йилда илк маротаба А.Навоий номли адабиёт музейи фондларидан намуналар кўргазма қилинди. Унга ўзбек тасвирий санъат классикларининг асарлари кирди.

Галерянинг болаларга оид лойиҳалари ҳақида алоҳида тўхталишимиз лозим. Анъянавий равища 1 июнь – болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунида “Уйимда байрам” кўргазмаси ва концерт дастури ташкил этилди. Галеря ҳузурида ташкил этилган “Н.Б.У.” (“Начало Большого Успеха”) болалар студиясининг 8 нафар тарбияланувчиси “Болалар олам суратини чизадилар. Марказий Осиё” халқаро лойиҳасининг совриндори бўлди. Уларнинг асарлари 2012 йил сентябрь ойида Алмати шаҳрида бўлиб ўтган фестиваль альбомидан жой олди. Галеря ходимлари хорижий мамлакатлардаги турли лойиҳаларда қатнашдилар. Масалан, директор ўринбосари К.Оқилова А.Нурнинг “Мен муҳаббат динига эътиқод қиласман” шахсий кўргазмасида мутасаддиллик қилди (Боку ш., Давлат санъат музейи); Галерянинг етакчи мутахассислари Г.Умерова ва Д.Розиков Art Dubai 2012 6-йиллик замонавий санъат ярмаркаси доирасида ўтказилган «Migrasophia» кўргазмасида қатнашдилар (БАА, Шаржа ш.); Галерянинг бош мутахассиси С.Назарова “Музейлар ва сайёҳликни ривожлантиришда хунарларнинг роли” халқаро семинарида (Бишкек ш.) қатнашди ва ҳ.к.

Тасвирий санъат галерясининг фаолияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Масалан, 2012 йилгда чиққан турли Республика газета ва журнallарида кўплаб кўргазмалар ва тадбирлар тўғрисида 15тага яқин мақола эълон қилинди. Галеря ходимлари «Ўзбекистон», «Тошкент», «Ёшлар», «ТВ Марказ», «НТТ», «Спорт» телеканаллари, «Пойтахт», «Ўзбекистон», «Орият Доно», «Тошкент», «Ёшлар», «Машъял» радиоканалларига Галеря ўтказаётган тадбирлар тўғрисида мунтазам равища интервьюлар бериб борадилар.

2012 йил охирида бўлиб ўтган Ўзбекистон Бадиий академиясининг «ТОП-АРТ» якунларига кўра, Галерянинг қуидаги кўргазмалари “Энг яхши шахсий кўргазмалар” номинациясида соврин олди: Бобур Муҳамедовнинг “Ранглар жилоси” кўргазмаси, Медат Кагаровнинг “Дарбадар” кўргазмаси, Бахтиёр Назаровнинг “Танланган йўл” кўргазмаси, Акмал Икромжоновнинг “Замонлар ва тақдирлар” кўргазмаси, Татьяна Ли асарларининг “Сароб” деб номланган кўргазмаси. “Энг яхши бадиий кўргазмалар” номинациясида “Ўзбекистонинг Буддага оид мероси” кўргазмаси ғолиб чиқди.

2012 йил декабрь ойида Галеряда Халқаро шахмат федерацияси, Ўзбекистон Шахмат федерацияси, “Ўзбекистон маданият ва санъат форуми” жамғармаси томонидан ташкил этилган Гран-при ФИДЕ халқаро шахмат мусобакаси бўлиб ўтди ва у Республика ҳамда халқаро оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

Галеря ўтказаётган тадбирлар мамлакатимиз кенг жамоатчилигида ҳам, турли хорижий мамлакатлардан келган меҳмонларда ҳам катта қизиқиши уйғотмоқда.

2013 ЙИЛ УЧУН ВАЗИФАЛАР

Мамлакатимизнинг стратегик молия муассасаси ҳисобланувчи Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ижтимоий, иқтисодий ривожланишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у иқтисодиётни таркибан ислоҳ этиш ишидаги кафолатчилардан биридир.

Ҳозирги кунда мамлакат банк-молия секторидаги барча ўзгаришларга тезда мослашиш, мижозларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини кузатиб туриш ва ҳисобга олиш зарур.

Шу муносабат билан, Банк иши натижалари барқарор ўсаётганлиги, унинг хизматлари доимий ривожланиб, юқори даражада тақдим этилаётгани ва улар бир мақсадга – мижоз билан ҳамкорлик янада сифатлироқ, самаралироқ ва қулайроқ бўлишига хизмат қилаётганлиги шак-шубҳасиздир.

Шуни ҳисобга олган ҳолда Миллий банк 2013 йил учун ривожланишнинг қўйидаги устувор йўналишларини белгилади:

- Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишига, айниқса унинг экспорт салоҳияти ўсишига кўмаклашувчи инвестиция лойиҳаларини молиялашда Банкнинг ролини янада ошириш;
- иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва қайта тиклашда, уларни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялашда, рақобатбардош маҳсулот чиқаришда кўмаклашиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кўрсатилаётган хизматлар доирасини кенгайтириш, агросаноат комплекси субъектларини қўллаб-қувватлаш;
- биринчи навбатда чакана бизнесни ривожлантириб, ҳар бир мижозга янгича ва диверсификацияланган тарзда ёндашиш, бунда янги банк маҳсулотларидан фойдаланиш;
- хорижий банклар ва халқаро молия муассасалари билан ҳамкорликни чуқурлаштириш;
- бутун республикада энг кам харажатлар билан барча турдаги хизматларни тезкор тақдим этишга қодир бўлган филиаллар тармоғини мақбуллаштириш ва мини-банклар тармоғидан кенг фойдаланиш;
- Банкнинг капиталлашув даражасини янада ошириш.